Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1988 йил 31 август
ЧОРШАНБА
№ 198 (4.394).

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

МАВСУМ ТАРАДДУДИ

ПАХТАНИ ЁРДАМЧИЛАРСИЗ ТЕРАМИЗ

дейишмоқда Дўстлик районидаги Қосим РАҲИМОВ номли совхоз меҳнаткашлари

Хўш, бу ташаббуснинг омиллари нималардан иборат? Ҳосилни ўз кучлари билан йиғиштириб олишга қарор қилган чўлқуварлар сўз ва иш бирлигини таъминлашлари учун қандай имкониятлар бор? Яқинда редакциямизда меҳмон бўлган Жиззах область агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. Нушаров, совхоз директори Ш. Иброҳимов ва хўжалик бош экономисти А. Усмонов билан суҳбатимиз шу ҳақда борди.

— Пахтакор меҳнати самарадорлигини ошириш масаласи менга сира тинчлик бермай қўйганди, — дея гап бошлади директор Шаҳобиддин Иброҳимов. — Фойдаланилмай бекор ётган резервларни ишга солиш, деҳқонда пировард натижага масъулият ва қизиқиш уйғотиш йўлларини изладим. Хўжалик ҳисоби, бригада пудрати бу мураккаб вазифани ҳал қилишда дастлабки қадамлар бўлди. Оила пудрати мақсадга янада яқинлаштирди. У меҳнатни ташкил этишнинг бошқа шаклларига қараганда афзал эканлигини исботласада, барибир кутилган самарани бермади. Яъни совхоз сифати паст хом ашё олди, теримда ёрдамчилар қатнашганлиги туфайли эса пахтакор иш ҳақининг баракаси учди.

Хусусан, бултур бизда 2 минг ҳашарчи пахта терди. Уларга ҳаммаси бўлиб 559 минг сўм харажат қилинди. Фақат шаҳарликларни ташишнинг ўзига 47 минг сўм сарфланди. Бошқача айтганда 586 оиланинг ҳар бири 1.000 сўм, айримлари эса ундан ҳам зиёд қўшимча ҳақдан маҳрум бўлишди.

Ёрдамчилар туфайли йўқотганларимиз шугина эмас. Улар лоқайд хатти-ҳаракатлари, қандай бўлмасин килограмм топширишдан иборат деҳқон меҳнатини оёқости қилувчи мақсадлари билан пахта сифати ва миқдорига етказишган зарарни ҳисоблаш қийин.

Бундай аҳволдан қутулишнинг иложи борми? Совхоз раҳбарлари бу саволга меҳнаткашлар билан биргаликда жавоб топишга қарор қилдилар. Бригадирлар Абдурайим Қувватов, Нормурод Авазов, партия комитетининг секретари М. Рустамов, касаба союз комитетининг раиси З. Мисиров, бош экономист А. Усмонов, комсомол ташкилотининг секретари Х. Абдукаримовдан иборат хўжалик активлари ҳамма оилада бирма-бир бўлишиб, 1987 йил натижаларини очиқ-ойдин тушунтирдилар. Уларга айтилган ҳар бир гап, ҳар бир рақам устида жиддий ўйлаб кўриш таклиф этилди. Бу ижобий самара берди, кўпчиликда ўз кучига ишонч уйғотди.

Ўтган йилги мавсум осон бўлмади — далалар шу қадар шўрланган эдики, ҳатто унча-мунча тажрибали пахтакорлар ҳам «курашсиз» қўлларини кўтаришди. Лекин пудратчи оилаларда бошқача принцип қўлланилди: қандай бўлса ҳам далани ўтдан тозала, топшириқни бажар. Бунинг устига сифатли бўлсин. Ҳосил тақдири, мавсум муваффақияти шунга боғлиқ. Келгуси йилда ҳам шу картада ўзинг деҳқончилик қиласан. Натижада пудратчи оилалар сидқидилдан ишладилар ва бутун ҳосилни ёрдамчиларсиз саранжомлаб олдилар.

Мустақил иш юритишнинг афзалликлари яққол намоён бўлди: пахта етиштириш жараёнидаги жамики ишларни бажаришдан оила манфаатдорлиги ортиб, иш ҳақи кўпайди, иш сифати яхшиланди, ҳосил йўқотилиши камайди.

Совхоз активларининг меҳнаткашлар билан учрашув ва суҳбатлари натижасида шу йил февралда ўтказилган очиқ йиғилишда катта-ю кичик — ҳамма иштирок этди. Кўпгина қизиқарли фикр-мулоҳазалар, таклифлар айтилди, улар ўша ернинг ўзидаёқ дарҳол муҳокама қилинди. «Ўз участкамизда кўзланган ҳосилни етиштирсак-да, наҳотки ҳашарчиларсиз йиғиштириб ололмасак, — дея ўйлади йиғилишда қатнашган ҳар бир киши. — Ахир пахтанинг асосий қисмини зангори кемалар ёрдамида саранжомласак унинг ҳеч қандай қийинлик жойи қолмайди-ку».

Йиғилиш унутилмас бўлиб қолди, унда пухта ўйланган, иқтисодий жиҳатдан асосланган шундай қарор қабул қилинди: ҳар бир оила нафақат юқори ҳосил етиштириш, балки уни сўнгги мисқолигача ёрдамчисиз, ўз кучи билан йиғиб-териш мажбуриятини олсин.

Хўш, шундай қилиш мумкинми? Шубҳасиз, мумкин. Бугунга қадар совхозимиз чорвачиликнинг аксарият турлари, дон, пилла топшириш бўйича йиллик планларини ошириб бажарди. Эртаиндин сабзавот ва полиз маҳсулотлари тайёрлаш топшириқлари уддаланади. Шунда олдимизда фақат иккита соҳа — сут ва пахта планларини адо этиш вазифаси қолади, холос.

Бу йилги мавсумда ялпи ҳосилнинг 85 процентини агрегатлар ёрдамида йиғиштириб олишни кўзлаяпмиз. Совхоз маъмурияти ва пудратчи оила теримнинг боришини икки томонлама назорат қиладилар. Ер эгалари, яъни пудратчилар пахтани кўп тўкадиган носоз техника ишлашига қаршилик кўрсатишлари мумкин, ўз навбатида улар майдонни машина теримига сифатли тайёрлашлари керак.

Бундай шароитда оиланинг ва механик-ҳайдовчининг шахсий масъулияти илгари ёрдамчиларга сарфланадиган, эндиликда эса тежалаётган маблағ ҳисобига оширилган иш ҳақи олишлари билан мустаҳкамланган. Бундан ташқари механизаторга терган ҳар гектарида пахтанинг тўкилиши 50 килограммдан кам бўлса 5 сўм берилади. Оила эса машина теримидан кейин тўлиқ ҳосилдан тозаланган ҳар гектар учун 50 сўм олади.

Пудратчи оила билан зангори кема капитанининг ўзаро ижодий ҳамкорликда ишлаши, бизнингча юқори натижа, яъни сифатли хом ашё ва мўл ҳосил олиш имконини беради.

Тўғри, ишимизда кўп нарса об-ҳавога ҳам боғлиқ. Шунинг учун мавсумни иложи борича ёғин-сочинсиз кунларда ўтказиш, бу даврда юксак меҳнат унумдорлигини таъминлаш тадбирларини кўрамиз. Бунга эришиш мақсадида совхоз раҳбарияти деҳқоннинг шахсий хўжалигига ғамхўрликнинг бир қисмини ўз зиммасига олади. Масалан, уйма-уй юриб, чорва моллари учун озуқа — беда ва сомон тарқатиб чиқамиз. Ишчилар далада хотиржам ишлашлари учун уларнинг ўғил-қизларини иложи борича тўлиқ болалар боғчаларига олдирамиз. Шийпонларда барча шароитлар яратилади, пахтакорлар учун иссиқ овқат тайёрланади, иш жойларида агитбригадалар фаолияти, маданий маиший, медицина хизмати кўрсатиш кучайтирилади.

Ташаббусимиз асосини чўлқуварларимизда бошланган ишларни охиригача етказиш иштиёқи туғилганлигида деб биламан. Бу уларга ҳам, хўжаликка ҳам катта фойда келтиради, турмуш фаровонлигини оширади, совхозда социал, маданий-маиший соҳалардаги кўплаб муаммоларни ҳал этишга имкон беради, деҳқонда ерга хўжайинлик ҳиссини кучайтиради.

— Ҳа, бизнинг интилишларимиз ерни ҳақиқий эгаси қўлига топширади, — деди бош экономист А. Усмонов ишонч билан. — Деҳқонда моддий манфаатдорликка қизиқиш ортиши билан бирга ҳосил тақдири тўғрисида чуқур қайғуриш, тупроқ унумдорлигини ошириш, муҳими, ўз ишига, ерга меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуларини кучайтиради. Буни С. Ҳамдамов, Х. Маматов, С. Мамадалиев, А. Жовбўриев, С. Қаршибоев, Л. Бозорбоев, А. Нормуродов, Б. Насриддинов бошлиқ бригадаларга бирлашган совхоз аҳли яхши тушунади.

— Бу ташаббуснинг аҳамиятини бошқача баҳолаш қийин, — дея суҳбатга қўшилди Жиззах область агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. Нушаров. — У ҳар томонлама ибратли. Барча корхона ва хўжаликлар тўла хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишлашга ўтаётган ҳозирги пайтда айниқса унинг роли катта.

Қолаверса бу ташаббус СССР меҳнат ва социал масалалар бўйича Давлат комитетида ишлаб чиқилган янги Низомга кўра ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Низомда таъкидланишича, эндиликда колхоз ва совхозлар мавсумий ишларга жалб этилган ёрдамчиларга улар асосий иш жойидан оладиган иш ҳақининг ярмини ҳам тўлайди. Бунда меҳнат таннархи қимматлашади, хўжалик кўрадиган зарар кўпаяди.

Менимча, Қосим Раҳимов номли совхоз пахтакорларининг ташаббуси хўжаликни замонавий бошқаришни, омманинг ва ҳар бир кишининг ижодкорлигини оширишни ўзида мужассамлаштирган. Агар унинг 80 фоизи амалга ошган тақдирда деҳқоннинг қийин меҳнатини ташкил этишда самаралироқ усулни топган, катта муваффақиятга эришган бўламиз. Шунинг учун биз бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлабгина қолмай, балки уни бошқа колхоз ва совхозларда жорий этишга қарор қилдик. Шу мақсадда хўжалик техникаси, оилаларга бириктирилган экинзорлар ва ҳоказо масалаларни ўрганишга бағишланган область семинар-кенгаши ўтказишни мўлжаллаяпмиз.

Агар областдаги хўжаликларнинг ярми мазкур совхоз ташаббусига қўшилса 5 миллион сўмдан зиёд маблағни тежашимиз мумкин. Бинобарин, бу ҳаракат пахтакорлар томонидан ижобий кутиб олинишига шубҳа йўқ.

Суҳбатни «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири С. Ли ёзиб олди.

СУРАТДА: Жиззах область агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. Нушаров, совхоз директори Ш. Иброҳимов ва бош экономист А. Усмонов.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

80 ПРОЦЕНТИ МАШИНАЛАРДА

— Беш йилликнинг учинчи йилида 658 гектар майдонда деҳқончилик қилаяпмиз, — дейди Янгийўл шаҳрига қарашли Калинин номли колхоз правлениеси раиси Маҳмуджон Аҳмаджонов. — Гектаридан пландаги 31,5 центнер ўрнига 35 центнердан сифатли оқ олтин йиғиштириб олишни кўзлаганмиз. Ғўза парваришини уюшқоқлик билан ўтказдик. Агротехник тадбирлар шу кунларда ҳам бўшаштирилгани йўқ. Кўчатларнинг бут бўлишига, ҳар тупда белгиланган миқдорда кўсаклар олинишига эришдик. Айни пайтда йиғим-теримни оммавий суратда бошлаб юбориш чораларини кўраяпмиз.

Колхозда ўнта пахтачилик бригадаси бор. Улар ғўза парваришини ўзаро социалистик мусобақа асосида ўтказдилар. Бу борада Юнусбек Туюнбоев бошлиқ бригада аъзолари бошқаларга ўрнак бўлдилар. 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландагидан 5 центнер кўп—35 центнердан хирмон кўтариш уларнинг эзгу нияти. Бошқа бригадалар ҳам илғор коллективдан қолишмасликка интилмоқдалар.

Хўжалик аҳли масъулиятли мавсум — йиғим-теримга тайёргарликни қизитмоқда. Мавжуд 13 та терим машинаси, 9 та кўсак чувиш ва 7 та кўрак узиш механизмлари, 31 та прицеп ишга тахт турибди. Уюлажак оқ олтин хирмонининг камида 80 процентини пўлат этаклар ёрдамида бунёд этишга бел боғлаган механик-ҳайдовчилар мавсумга пухта тараддуд кўришаяпти.

У. МУҲАМЕДОВ.

ҲОСИЛ ЧЎҒИ БАЛАНД

Куйбишев номли совхоз — Қўрғонтепа районидаги йирик пахтакор хўжаликлардан бири. Меҳнат аҳли бу йил 2.167 гектар майдонда ғўза ўстирмоқда. Мақсад — гектаридан 28 центнердан хирмон кўтариш. Пахтакорлар пайкалларда мўлжалдаги ҳосилни тўплаш учун бор куч ва маҳоратларини ишга солмоқдалар. Экин ҳозирга қадар олти марта комплекс ишловдан чиқарилди; меъёрида озиқлантирилиб суғорилди.

— 755 гектарнинг ниҳоллари ўсишдан орқада қолганди, — дейди бош агроном Л. Кимсанов. — Уларни август ойида шарбат билан суғордик, қўшимча культивация қилдик. Ҳозир ғўзалар бир текис. Ҳар тупда 10—12 та тўқ кўсак бор, шундан уч-тўрттаси очилган.

Бу йилги об-ҳаво қулайлиги барча қатори мазкур хўжалик меҳнаткашларини ҳам хушнуд этмоқда. Ғўза илғорлар тажрибаси асосида серҳосил қилиб парваришланди. Айниқса Абдумалик Жўрабоев, Қодиржон Йўлчиев, Қаҳрамон Таваккалов бошлиқ бригадаларда ҳосил чўғи баланд.

Хўжаликда йиғим-теримга қизғин тайёргарлик кўрилди. Мавжуд 34 та зангори кема ишга тахт турибди. Раҳим Ҳакимов, Мадамин Акбаров, Эргаш Отахонов каби дала гвардиячилари мавсумда 120—130 тоннадан хирмон уйишни мўлжаллашмоқда. Айни кунларда пайкалларда саралаб пахта териш қизғин бормоқда. Ҳадемай мавсум мусобақаси оммавий тус олади.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

Хушхабар

ҚЎРИҚ СОВХОЗ МАРРАГА ЕТДИ

Қўриқ Косон районидаги «ВЛКСМ XX съезди» комсомол-ёшлар совхозининг азамат пахтакорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилр. Ленин комсомолининг шонли 70 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлаётган ёш миришкор деҳқонлар йиллик пахта тайёрлаш планини ошириб адо этдилар. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бораётган «оқ олтин» ижодкорлари давлатга планда белгиланганидан кўп пахта сотдилар. Қимматли хом ашёнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Эришилган бу улкан меҳнат ғалабасида хўжалик механизаторларининг ҳиссаси катта бўлди. Жумладан, Нажмиддин Воисов, Тошботир Шукуров, Эшмурод Қурбонов, Ўткир Хўжақулов, Мустафоқул Бўтаев сингари «пўлат от» суворийларининг ҳар бири хирмонга қирқ-олтмиш тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Хўжалик пахтакорлари кўзлаган марра улкан. Улар икки йиллик планни уддалашга азму қарор беришган. Айни кунларда ана шу мақсад йўлида ғайрат-шижоат кўрсатиб, йиғим-терим суръатига суръат қўшмоқдалар.

УРУҒЛИК АЛОҲИДА НАЗОРАТГА ОЛИНСИН!

Уруғчилик ва селекция ишида тартиб ўрнатмай туриб пахта маҳсулоти сифатини яхшилаб бўлмайди. Пахтачиликнинг бу соҳасидаги ишларнинг ҳозирги аҳволи 30 август куни Тошкентда бўлиб ўтган республика кенгашида қаттиқ танқид қилинди. Кенгашда Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети, область агросаноат комитетлари, уруғчилик хўжаликлари раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этдилар.

Улар ўз нутқларида бу муҳим ишда масъулиятсизлик ва контролнинг йўқлиги оқибатида бу йилги ҳосил учун уруғлик материал тайёрлаш чоғида уруғлик чигитнинг 70 проценти намлиги жиҳатидан ГОСТ нормаларига мос келмаганлигини, ҳар уч тонна уруғлик чигитдан бир тоннаси нормадагидан ортиқча янчилиб, эзилиб кетганлигини таъкидладилар. Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент ва Андижон область агросаноат комитетлари уруғлик пахта тайёрлашни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Кўпгина областларда уруғлик пахта машина билан терилишига йўл қўйилди, бу эса уруғлик фондни тайёрлашни қўпол равишда бузишдир. Натижада уруғчилик хўжаликлари пахтакорларга панд бериб қўйдилар, улар униб чиқиши жиҳатидан биринчи классли уруғлик чигитни атиги 50 процент олдилар.

Уруғчилик хўжаликларидан кейин республика пахта заводларининг ходимлари ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйдилар, улар уруғликни яхши сақлаш ва тайёрлашни таъминлай олмадилар. Областларга уруғлик чигит кўплаб ташиб келтирилди, айниқса Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий область агросаноат комитетлари кўп уруғлик ташиб келтирдилар.

Ҳозир янги мавсум бўсағасида уруғлик пахта тайёрлаш ишини тубдан қайта қуришни таъминлаш жуда зарур, деб таъкидланди кенгашда. Биринчи кунданоқ уруғлик пахтани алоҳида териб олишни йўлга қўйиш, навларнинг аралашиб кетишига мутлақо йўл қўймаслик керак. Уруғлик пахта офтобда албатта қуритилиши лозим. Барча область агросаноат комитетлари ва пахта заводларига ифлослиги ва намлиги даражаси юқори бўлган уруғлик пахтани хўжаликлардан қабул қилмаслик тўғрисида кўрсатма берилди. Уруғлик пахтани машинада териб олиш ҳам қатъий тақиқлаб қўйилди. Машиналар билан уруғлик пахтани терган хўжаликларга нисбатан энг қаттиқ иқтисодий ва маъмурий чоралар кўрилади.

Навларни жойлаштиришдаги камчиликларни тугатишга ҳам муваффақ бўлинмаяпти, деб таъкидлашди кенгаш қатнашчилари. Андижон, Наманган, Навоий ва Фарғона областлари саккизтадан селекция навини экдилар, республиканинг 25 та районида ғўзанинг тўрт хил ва ундан ҳам кўпроқ нави экилди. Бир хўжаликда фақат бир-икки селекция навлари етиштирилишига эришадиган пайт келди.

Бу йил тола сифатини яхшилашнинг комплекс программаси қабул қилинган. Бу программага мувофиқ ҳар бир область муайян типдаги тола етиштиришга ихтисослашади. Бу ишда элита-уруғчилик хўжаликлари катта роль ўйнаши лозим, уларнинг ишига кўпгина эътирозлар билдирилди. Элита хўжаликлари кадрлари профессионал тайёргарлигининг бўшлиги уруғчилик ишидаги қўпол хатоларга олиб келмоқда.

Олимлар пахтакорлар олдида ҳамон катта қарздор бўлиб қолмоқдалар. Олимларнинг ишида, шунингдек давлат сорт участкалари мутахассисларининг фаолиятида ҳамон расмиятчилик ва дабдабабозлик устун келмоқда, ғўзанинг янги навлари устидан авторлик назорати амалга оширилмаяпти.

Кенгашда республикада селекция-уруғчилик ишини тубдан яхшилаш, навларни жойлаштириш ва навларни янгилашда, ҳар бир айрим навни етиштириш агротехникасида, хўжаликларни зарур асбоблар ва ускуналар, махсус автотранспорт билан таъминлашда тартиб ўрнатиш юзасидан таклифлар киритилди. Элита-уруғчилик хўжаликларида ялпи пахта ҳосилини камайтириш, пахта заводларини уруғлик пахтани қайта ишлашга ихтисослаштириш, уруғлик пахта етиштирадиган кооперативлар ташкил этиш, далаларда теримчиларнинг ва заводларда ишчиларнинг ишини рағбатлантириш учун иқтисодий воситаларни ишга солиш билан оғизда эмас, балки амалда шуғулланиш масалаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Уруғлик пахта етиштирадиган участкаларни алоҳида контролга олиш, уларда дефолиация ўтказилишига йўл қўймаслик керак. Ана шу тадбирларнинг бажарилишигина уруғчиликни ўпирилишдан олиб чиқишга ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

ШАРБАТ ТОТЛИ БЎЛГАЧ

Янгийўл консерва заводидан репортаж

Заводдаги юк ўлчанадиган тарози олдига сабзавот ва мева ортилган прицеп ҳамда автомашиналар тўхтовсиз келиб турибди. Агар ёзнинг бошларида хом ашё майдончасини фақат яшил маҳсулотлар банд этган бўлса, ҳозир ранг-баранг: помидор, узум, бақлажон, шафтоли, карам ва ҳоказолар бор. Улар Тошкент областининг 13 районидан, шунингдек Сирдарё ва Жиззахдан келтирилмоқда. Августнинг сўнгги кунларида завод ишчилари тиғиз график асосида, барча қувватларни ишга солган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир ҳар куни 1.100 тонна ёки ўтган йилдагига нисбатан 400 тонна кўп маҳсулот келмоқда.

Консервачилар бу йил 29 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олишган. Етти ойлик план 125,3 процент адо этилди. Бу муддат ичида пландан ташқари 12 миллион шартли банка консерва тайёрланди. Топшириқни ошириб уддалашнинг омиллари нималардан иборат? Биз ана шу савол билан завод директори Х. Раҳматуллаевга мурожаат қилдик.

— Бугун, яъни КПСС Марказий Комитетининг июль (1988 йил) пленумидан кейин ишлаб чиқаришни ривожлантиришда иқтисодий омилларнинг аҳамияти ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ, — деди у. — Гап шундаки, мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун уларни ҳаракатга келтириш, ҳақиқий меҳнат қилиш керак. Келгуси йилнинг биринчи январидан бошлаб заводимиз ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатини ўзи қоплаш шароитида ишлашга ўтади.

Томат цехидамиз. Бу ерда консерваланган, сиркага бостирилиб, зира-пиёз қилинган томатлар, турли салатлар, томат-пасталар, табиий шарбатлар тайёрланар экан. Цех коллективи йил бошидан буён пудрат асосида ишламоқда. Биз борган кунгача 29.501 тонна помидор қабул қилиниб, реализацияга жўнатилибди.

— Ишчиларимизнинг ҳаммаси серғайрат, меҳнатсевар, — деди цех бошлиғи Аваз Ғафуров мамнуният билан. — К. Черкасова ё А. Абдукаримовами, Р. Ғильманова ёки бошқасими, ҳар бирини бунга мисол келтиришим мумкин. Астойдил ишлайдилар. Илгари цех бошлиқлари завод маъмуриятидан четдан одам ва қўшимча маблағ ажратишни сўрашарди. Энди бошқача илтимос билан келишади, яъни ортиқча харажат бўлмаслиги учун ёрдамчи ва транспорт жўнатмасликни, ҳамма ишни ўзлари бажаришларини айтишади. Бешта цех бригада пудратига ўтиб ишлай бошлагач, завод ишчиларининг онгида шундай ўзгариш рўй берди.

Пудрат усулида иш юритилаётган шарбат тайёрлаш цехида 108 киши меҳнат қилади. Кенгаш тузилган. У ишчиларнинг маошини белгилайди. Бу ерда маҳсулот таннархи кескин камайди. Ижобий рақамлар эса кўтарилди. Дастлабки олти ойда ҳар бир ишчи ҳисобига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига қараганда ошди. Уларнинг ойлик иш ҳақлари ҳам ортиб, ўртача 250 сўмга етди.

— Биз тайёрлаган шарбатдан тотиб кўринг, — дея таклиф қилди цех ишчиси Маҳбуба Назарова. — Мазаси анчагача оғзингиздан кетмайди.

Шарбат тотли бўлгач, харидор кўпайиши аниқ. Консервачилар республикамиздан ташқари Узоқ Шимол, Туркманистон, Қозоғистон, Россия Федерацияси аҳолисини сифатли маҳсулот билан таъминлашмоқда. Ҳатто Монголияга экспорт қилинаяпти.

Заводнинг ҳамма участкаларида, ишчиларнинг ишга муносабатида, ишлаб чиқариш кўрсаткичларида ажойиб ўзгаришларни кўриш мумкин. Бундан барча қувонса арзийди, фақат бош инженер Владимир Супрунов хуноби чиқиб юрибди. Боиси, область агросаноат комитети завод моддий-техника базаси ҳақида ёмон ғамхўрлик кўрсатаяпти. Тайёр маҳсулотларни сақлаш учун омборхоналар етишмайди. Мабодо ёғингарчилик бошланса аҳвол чатоқ. Завод ишчиларининг суҳбатларига чуқурроқ қулоқ солиб, бир нарсага ишондим: чиндан ҳам одамларда цехларга хўжайинлик, янгиликка интилиш ҳислари уйғонмоқда.

Янгийўл консерва заводига сабзавот ва мева ортилган янги-янги карвонлар кириб келмоқда. Бу ерда ишчилар кечаю кундуз меҳнат қилишаяпти. Уларнинг мақсади битта — маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва мамлакат Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш учун барча резервларни ишга солишдан иборат.

А. БОЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Уругвайдаги демократик ва ватанпарвар кучларни бирлаштирувчи антиимпериалистик уюшманинг вакили бўлган «Даъват» группаси раҳбари Альба Робальо бошчилигидаги Уругвай кенг фронти делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишди.

Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига бордилар, республика ижодкор зиёлилари намояндалари билан учрашдилар. Улар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

30 август куни делегацияни Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси Р. Ғ. Ғуломов қабул қилди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми қарорларини амалга оширамиз

СУТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРМОҚЧИМИСИЗ?

ҚУЙИДАГИ РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛИНГ

Ўзбекистон агросаноат комплексининг асосий бўғинларидан бири — чорвачиликни интенсив ривожлантириш негизида гўшт. сут, тухум, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш шу кунга қадар ва бундан кейин ҳам халқимизни озиқ-овқат билан таъминлаш программасининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолади. Шу боисдан республикада 1987—1990 йиллар учун «Гўшт», «Сут», «Қоракўл», «Озуқа» каби комплекс программалар тузилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездидан кейинги икки йил мобайнида чорвадорларимиз бирмунча ижобий силжишларга эришдилар. Шу давр ичида жамоат секторида гўшт ишлаб чиқариш 4,1 процент, сут 16,1, тухум 24 процентга кўпайди. Ҳар сигирдан сут соғиб олиш 323 килограммга ошиб, 1987 йилда ўртача 2.316 килограммга етказилди.

Ҳозир республикада 1.918 та сут-товар фермаси, жумладан 152 та сутчилик комплекси ишлаб турибди. Биз мазкур мақолада сутчилик фермалари ва комплексларида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш ҳисобига сутни янада кўпайтириш резервлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Ҳозирги вақтда республика хўжаликларида қарийб 400 минг сигир бўлиб, улардан 316,5 минг боши соғилади. Кунига 2.950—3.025 тонна сут ишлаб чиқарилмоқда ёки бу ҳар бош говмиш ҳисобига 9,6 килограмм ва умуман ҳар сигирга 7,5 килограммни ташкил этмоқда.

Хўш, республикамизда сут ишлаб чиқаришни бундан ҳам ошириш бўладими? Ҳа, мавжуд сигирлар наслидаги генетик имкониятлар сутни бундан ҳам кўпроқ соғиб олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бунинг шарти шундай: сигирларни барча, айниқса баҳор, ёз ва куз фаслларида хилма-хил тўйимли емиш билан тўйдириб озиқлантириш, яхшилаб парваришлаш, ишни зооветеринария асосида юритиш, интенсив технологияни жорий этиш керак. Шу ҳақда алоҳида тўхталамиз.

КУН ТАРТИБИ АСОС БЎЛСИН

Энг аввало илмий асосланган, барча ишларни ўз ичига оладиган, пухта ўйланган кун тартиби белгиланган бўлиши шарт. Ҳар бир фермада қабул қилинган кун тартибига кўра эрталаб соат бешда иш бошланган бўлса, то кеч соат ўнгача жами белгиланган юмушлар ҳажми тўлиқ, ўз вақтида, қатъий тартиб асосида, режали бажарилиши зарур. Шуни эсда тутиш керакки, қайси хўжаликда, фермада ишга кеч қолиш, уни палапартиш, тартибсиз, шошилиб, чала бажариш ҳеч қачон фойда келтирган эмас, у ерда қилинган меҳнат баракали ва сифатли бўлмайди. Бошқача айтганда, сут кўпаймайди, бузоқлар яхши ўсмайди ва боқувдаги моллар дуркун семирмайди. Сирдарё районидаги «Коммунизм», Ильич номли, Ленин номли колхозларда ва «Сирдарё» совхозида сигирларни соғиш, парваришлашда кун тартибига риоя қилинмайди. Молбоқарлар озуқани ўз вақтида беришмайди, ҳар куни 2—3 та сигир соғилмай қолиб кетади, янги туққан ва биринчи туққан сигирлар парвариши қониқарсиз. Ўт даладан фермага кечикиб — соат 10—12 да келтирилади. «Коммунизм» колхози бош зоотехниги Б. Болтаев олий маълумотли ва кўп йиллардан буён ишлаётганига қарамай мутахассислиги бўйича асосий нарсаларни билмайди. У кишида ташкилотчилик, одамларни ишга сафарбар этиш қобилияти йўқ, иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шу сабабли бу хўжалик имконият бўлишига қарамай ярим йиллик сут ишлаб чиқариш планини бажаролмади.

ОЗИҚЛАНТИРИШНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК

Аввало шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда ҳам хўжаликлардаги қорамолларнинг, жумладан сигирларнинг кўк ўтга бўлган кундалик эҳтиёжи фақат 70—75 процент қондирилмоқда. Натижада сут ишлаб чиқариш имконият даражасидан анча кам бўлмоқда. Шунингдек, сигирларнинг озуқа рационлари тўйимли моддалар миқдори билан уйғунлаштирилмаган. Республикамизнинг пахтакор колхоз ва совхозлари чорва моллари рационидаги кўк ўт фақат оқсилга бой бўлган бедадан иборат. Рационга бошқа кўк ўтларни аралаштириш учун судан ўти, кўп ўримли вахш, третикале, жавдар, сули, арпа каби донли-бошоқли озуқабоп кўкпоялар етарли экилмаяпти. Оқибатда чорва моллари, айниқса соғин сигирлар рационида шакарга бой кўкатлар етарли бўлмаётир. Масалан, кунига 10 килограмм сут берадиган сигир рационида 12—13 озуқа бирлиги, 1.250—1.400 грамм ҳазм бўладиган протеин, 950—1.250 грамм шакар, 90—100 грамм кальций, 50—60 грамм фосфор ва бошқа минерал моддалар ҳамда витаминлар бўлиши керак. Бунинг учун сигирга кунига 40—45 килограмм кўк беда, 20—25 килограмм бошоқли дон экинлари кўкпояси, 2,5—3 килограмм ем бериш кифоя. Аммо сигирга нуқул кўк беда берилиши натижасида рациондаги ҳазм бўладиган протеин миқдори 2.600—2.850 граммга етиб, нормага нисбатан протеин 2—2,5 баробар кўпайиб, шакар миқдори 650—850 граммдан ошмаётир ёки талабга нисбатан 300—400 грамм оз бўлмоқда. Оқибатда оқсил бефойда сарфланиб, тўйимли моддалар организмда ҳазм бўлиб сутга айланиш жараёни бузилмоқда ва ейилган озуқага нисбатан сут ишлаб чиқариш 30—40 процент камайиб кетмоқда.

Кўпчилик фермаларда рационда бир суткада едириладиган 60—70 килограмм кўкпояни 2—3 марта, зиёди билан 3—4 марта бўлиб бермоқда, холос. Натижада кўплаб нишхўрд қолиб, озуқа исроф бўлмоқда. Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз, Оқолтин районидаги «Партия XXIII съезди» совхозида кунига берилаётган 40—50 тонна кўк ўтнинг 20—25 проценти ёки 8—10 тоннаси нишхўрдга чиқмоқда. Албатта, бундай иш тутиш ярамайди. Нормада белгиланган кўкпояни ҳар куни 5—6 мартага бўлиб, оз-оздан бериш керак. Шундай қилинганда сигир ўтни иштаҳа билан, нишхўрд чиқармасдан ейди ва маҳсулдорлиги ортади. Бундай даладан келтирилган кўкпоянинг асосий қисми охурга эмас, балки йўлак томоннинг ташқарисига тўкиб қўйилади. Охурга солинган кўкпоя ейилиб бўлса, ташқарига тўкилганидан оз-оздан солинади. Озуқа тарқатишдаги бу технология, биринчидан, исрофгарчиликка барҳам бериб, озуқанинг тўлиқ ейилиши имконини берса, иккинчидан, озуқа бироз сўлийди ва организмда ҳазм бўлиши яхшиланади.

Ғалаба районидаги Волков номли совхоз директори Зоҳид Назиров, Оқолтин районидаги Усмон Юсупов номли совхоз директори Омон Юсупов, Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхози раиси Пўлат Қосимов, Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси Рустам Акбаров, Қўрғонтепа районидаги Куйбишев номли совхоз директори Тельман Холиқов ва бошқа кўплаб хўжаликларнинг раҳбарлари бедани кўкпоя учун тўлиқ шоналаб 15—20 процент гуллаганда ўриш фойдали демоқдалар. Чунки бу даврда ўрилган бедада ҳазмчан тўйимли моддалар сероб бўлиб, сигир сутини кўпайтириш ва ёш молларнинг этига эт қўшиб дуркун ўсишига имкон беради. Албатта, кўкпоя бу даврда барра ва серсув бўлади. Шу сабабли сигирлар рационига 1,5—2 килограмм қуруқ хашак қўшиш фойдали ҳисобланиб, ейилган озуқанинг тўлиқроқ ҳазм бўлишига, сут ва сутдаги ёғнинг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳали ҳаво ҳарорати анча юқори— 35—38 даражадан пастга тушгани йўқ. Бундай шароитда моллар, айниқса, сигирлар терлаб, организмдан тер билан кўплаб минерал моддаларни чиқаради. Оқолтин районидаги «Партия XXIII съезди» совхозининг бош зоотехниги К. Турсунхонов, Косонсой районидаги «Кўкумбой» совхози бош зоотехниги А. Жабборов, Пахтаобод районидаги «Коммунизм» колхози бош зоотехниги М. Ортиқов, Андижон районидаги Киров номли колхоз бош зоотехниги К. Давронов, бошқа кўплаб хўжаликларнинг мутахассисларидан сигирларга, ёш бузоқларга, бошқа ёшдаги қорамолларга кунига қанча ош тузи, кальций, фосфор, каротин моддаларини бериш кераклиги ва улар қанчадан олинаётганлиги сўралса тайинли жавоб қилишмайди. Аслида улар буни билишга ва қўллашга мажбур. «Охурларга ялама туз қўйганмиз, керагини ялайверади-да» деган жавоб етарли эмас. Ялама тузга ишониб, молларнинг минерал моддаларга эҳтиёжини қондира олмаяпмиз. Тузни кўпроқ яйлов шароитида юрган қўй, эчки, от, туя, қорамолларга ялатиш фойда беради. Молхонада парваришланган ва озиқлантирилаётган сигирлар кунига 70—100 граммни ялама туздан ялаб ололмайди ва организм эҳтиёжини қондиролмайди.

Шу сабабли майда туздан белгиланган нормага асосан ҳар куни емга, аталага аралаштириб, ҳатто охурга солинган кўкпоя устига сепиб бериш зарур. «Сельхозхимия», «Зооветснаб» ташкилотларида фосфорли, кальцийли макроэлементлар, темир, мис, рух, кобальт, йод каби микроэлементларнинг тузли бирикмалари мавжуд. Молларни, айниқса сигир ва ёш бузоқларни минерал моддалар билан таъминлаш чорвачиликда ишни илмий асосда тўғри ташкил этиш имконини беради.

Молларни соғлом сақлаш ва маҳсулдорлигини оширишда истиқболли технологияларни жорий этиш муҳимдир.

Косонсой районидаги «Кўкумбой» совхозида ярим йиллик сут тайёрлаш плани бажарилмади, ҳатто ўтган йилдагига нисбатан камайиб кетди. Совхоз раҳбарлари ва мутахассислари барча чорвадорлар иштирокида чуқур таҳлил билан муҳокама ўтказдилар. Сигирларни парваришлаш ва озиқлантиришда йўл қўйилаётган хатолар бартараф этилди. Чунончи, сигирлар вақтинча ёзги лагерга кўчирилди, эрталаб ва кечқурун 3—4 километр масофага кездириб юргизиш ташкил этилди, сув таъминоти яхшиланди, кўк ўт кунига 5—6 марта едирила бошланди. Кечаси 1,5—2 килограммдан қуруқ хашак бериш, туз, фосфорли, кальцийли бирикмалардан рационга қўшиш, кўк ўтни шоналаб 10—20 процент гуллаганда ўриш ва кўк пояни эрталаб соат етти-етти яримларда бериш, 10 кун давомида ҳар сигирдан олинадиган сутни 7—7,5 ўрнига 8—8,1 килограммга ёки кундалик соғимни 2.050—2.100 ўрнига 2.253—2.290 килограммга етказиш имконини яратди. Бу ишда илғор соғувчилардан Б. Жайлабоева, Х. Раҳимова, О. Горяева, О. Раҳимова кабилар жонбозлик кўрсатишди.

Чорвачиликда зооветеринария ва ташкилий ишларни билмаслик ёки уларга эътиборсизлик билан қараш доимо ёмон оқибатларга сабаб бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Шундай экан, фермаларда мутахассис масъулиятини оширишимиз, унинг маслаҳатларига, тавсияномаларига амал қилиш, ёш мутахассисга ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

СИГИР БОШ СОНИ КЎПАЙСИН

Республика хўжаликларида 1987 йилнинг шу давридагига нисбатан сигирлар сони Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент областлари хўжаликларида 9,2 минг бошга камайган. Натижада ҳозир ўша сигирлардан 66,7—67,5 минг тонна сут йўқотилди. Самарқанд областида 5,8 минг, Тошкент областида эса 16 минг бош сигир ўтган йилдагига нисбатан камлиги бу областларда сут ишлаб чиқариш, давлатга сотиш планларини бажаришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳар бир хўжаликда сигирлар сони умумий поданинг 30 проценти миқдорида, шаҳар атрофидаги ёки ёш бузоқларни бўрдоқичилик корхоналарига бераётган хўжаликларда эса 40—45 процент ёки ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Ана шунда биз молларни бефойда ушлаб турмай, улардан самарали фойдаланиб кўплаб сут ва гўшт ишлаб чиқаришга эришамиз.

Подадаги сигирларнинг 84—86 проценти доимо соғилиб туриши керак.

Шу кунга қадар республикамизда Фарғона областидан ташқари бирорта областда ҳам бу кўрсаткич айтилган нормада бўлмади. Масалан, Қорақалпоғистонда соғин говмишлар мавжуд сигирларнинг 69,7 процентини ташкил этади, бошқача айтганда, нормадаги икки ой ўрнига тўрт ой дам олади, яъни соғилмайди. Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро областларида мавжуд сигирларнинг 73—78, Навоий, Наманган, Жиззах, Андижон областларида 80—82 процентини ташкил этмоқда, холос. Шунинг натижасида республика бўйича нормага нисбатан қарийб 30 минг сигир кам соғилмоқда ва кунига 155—160 тонна сут имкониятига нисбатан оз олинмоқда. Бунинг сабаби нимада? Аввало шуни айтиш зарурки, биз сигирларни бир йил давомида ўртача 300 кун соғишимиз керак. Масалан, сигир жорий йилнинг 1 январида туғди, уни 1 мартда уруғлантириб, 1 ноябрда соғишни тўхтатиб, икки ой дам бериш керак. Шунда у туққанидан уруғлангунча 2 ой, уруғлангандан сутдан чиққунча 7 ой ва қайта туққандан кейин яна бир ой, жами 10 ой ёки 300 кун сут беради. Аммо кўпчилик хўжаликларда сигир йил давомида 230—250 кун соғилаяпти, холос. Соғувчиларнинг эътиборсизлиги ва зооветеринария ходимлари ўз вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари оқибатида сигирлар 5—6 ойлик бўғозлик давридаёқ сутдан чиқариб юборилмоқда.

Шундай қилиб, республикамизда шу йил 1 июлгача мавжуд 399,4 минг бош сигирнинг 376,6 минг боши ёки 79,2 проценти, нормага нисбатан 5,8 процент, яъни 23 минг бош сигир кам соғилди. Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг чорвачилик бош бошқармаси мутахассислари бу камчиликларга барҳам беришда, барча ишларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми талаблари асосида ташкил этишда республика хўжаликларига амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси Озиқ-овқат программасини бажаришга сезиларли таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

А. ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети чорвачилик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати.

ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИ
САҲИФАЛАРИДА

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

Наримонов Тошкент областининг йил сайин чирой очаётган кенжа саноат шаҳарларидан. Бу ерда катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилаяпти. Кўплаб маданий-маиший объектлар, турар жой бинолари фойдаланишга топширилмоқда. Шаҳар территориясида бунёдкорлик ишларини олиб бораётган қурилиш ташкилотлари жорий йилнинг ўтган етти ойи ичида 15.628 квадрат метр саҳнли уй-жойни фойдаланишга топширишга сўз беришган эди. Қурувчилар мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, планни муддатидан илгари адо этдилар. Аҳолига кўзда тутилганидан 1.928 квадрат метр кўп шинам уй-жой ҳадя этилди.

Оржоникидзе районидаги механизациялашган 14-кўчма колонна бунёдкорлари бу йил бир миллион 420 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олишган. Дастлабки ҳисоб-китоблар иш ваъдага яраша бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Ўзаро социалистик мусобақа шарофати туфайли ўтган етти ойда 851 минг сўмлик иш бажарилиб, топшириқ уддаланди. Бу муваффақиятда колоннанинг А. Яндавлатов бошчилик қилаётган комплекс бригадаси қурувчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Улар «Правда» колхозидаги мактабга қўшимча бино, «Октябрь» колхозида янги омборхона қуриб фойдаланишга топширдилар.

«ЛЕНИН ЙЎЛИ»

(Самарқанд области)

«Ўзимдаги ҳамма яхши нарсалар учун китобдан миннатдорман», — деган эди буюк пролетар ёзувчиси Алексей Максимович Горький. Дарҳақиқат, тафаккур машъали бўлмиш китоб киши қалбида бетакрор туйғулар уйғотади, ақлни пешлайди, сабоқ беради. Шу жиҳатдан А. С. Пушкин номидаги область кутубхонаси мудири Р. Азизованинг фаолияти таҳсинга лойиқ. У олти йилдан буён минг-минглаб кишиларни билимлар сарчашмаси, нафосат оламидан баҳраманд этиб келмоқда.

Кутубхонадаги ўсмирлар бўлимида 46.500 сўмлик бадиий адабиёт мавжуд. Шунингдек, адабий кечалар, китобхонлар конференциялари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Яқинда бу ерда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети профессори А. Сагитов билан савол-жавоб кечаси ўтказилди.

Бундай тадбирларнинг шарофати туфайли китобхонлар сони тобора ортиб бормоқда.

* * *

Яқинда Самарқанд шаҳридаги Ҳамза номли ёзги кинотеатр биносида Афғонистон Республикасида ўз интернационал бурчини адо этиб қайтган ёшларга бағишланиб катта программада концерт намойиш этилди. «Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси вокаль-чолғу ансамбли, кўн заводи қошида ташкил этилган ансамбль қатнашчиларининг чиқишлари кўпчиликка ғоят манзур бўлди.

Область маданият бошқармасининг «Ханда» сатирик труппаси ижро этган ҳажвий қўшиқлар, интермедиялар кеча иштирокчиларига қувонч, завқ-шавқ бағишлади. Концертдан тушган маблағ Совет маданият фонди Самарқанд областлараро бўлимига ўтказилади ва жангчи-интернационалистлар хотирасига бағишлаб ўрнатиладиган ёдгорлик қурилишига сарфланади.

«БУХОРО ҲАҚИҚАТИ»

Тўқсон яшар Худойназар бобо Коғон районидаги Калинин номли колхознинг табаррук кишиларидан. У жамоат чорвачилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Мураббий етиштирган ажойиб қоракўл терилари ўзининг сержилолиги, сифатлилиги билан ажралиб турарди.

Чўпонлар сулоласининг вакили Ҳамро Худойназаров ҳам ота касбини чин дилдан ардоқлади. Эллик йилдан ортиқ вақт ичида сурув ортидан чўлу биёбон кезди, янги-янги отарлар яратди. Укаси Бобомуродни ёнига олди. Фидойилик, ташаббускорлик туфайли кенжа чўпон ҳам қисқа вақт ичида довруғ таратди. Чўпон таёғи ерда қолмайди. Ҳозирги кунда сулоланинг тўртинчи авлоди вакили — Абдулла Ҳамроев ота-боболари ишини давом эттирмоқда. У Икром Ашуров билан басма-басига ишлаб, 435 бош совлиқнинг ҳар юзидан 106 тадан соғлом қўзи олди. Давлатга қоракўл тери, жун топшириш планларини ошириб уддалади.

«ХОРАЗМ ҲАҚИҚАТИ»

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорлари асосида иш юритаётган «Туямуюнгидрострой»нинг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилаётганлиги сабабли пудрат ишлари планлари мунтазам ортиғи билан адо этилмоқда. Ўтган етти ой ичида қурувчилар ўз кучлари билан пландагидан ташқари 221 минг сўмлик иш бажардилар. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,9 процент ошди.

Чек системаси — ютуқлар омили. Бунда маблағлардан фойдаланишда бевосита объектни тиклаётган коллективга тўла эркинлик берилади. Қўлдаги чек пул демакдир. Уни харжлашда тежамкорлик қилинса, олинган фойда шу коллективнинг ўзида қолади. Илғор иш усули шарофати туфайли барча пировард натижа учун бирдек жон куйдираяпти.

Меҳнат беллашувида Шарифбой Қурбонбоев бошлиқ участка ишчилари пешқадам. Улар Ленин номли колхозда 270 ўринли мактаб биносини муддатида қуриб битказдилар. Дурумбой Худойберганов бошлиқ 3-участка қурувчилари эса Базирён массивидаги профилакторий-санаторийни муддатидан илгари фойдаланишга топширишди. Бекжон Ганжаев бошлиқ участка меҳнатсеварлари ҳам ўз ишларини янгича талаблар асосида қайта қуришаяпти. Коллективда соғлом, ижодий муҳит юзага келди. Бунёдкорлар айниқса июнь ойида баракали ишлашди. 32 квартирали турар жой биноси эгаларига топширилди.

Биринчи бўлиб коллектив пудратни жорий этган Илҳом Рўзимов бошлиқ ғишт терувчилар бригадаси навбатдаги турар жой биносида сўнгги ишларни амалга оширишмоқда.

«ҚАШҚАДАРЁ ҲАҚИҚАТИ»

Қарши районидаги «Партия XXII съезди» совхози боғбонлари дастлабки меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар давлатга пландаги 120 тонна ўрнига 130 тоннадан ортиқ мева сотиб, йиллик планни шараф билан адо этдилар. Уста деҳқонлар бу муваффақиятга осонликча эришишмади. 42 гектар майдондаги мевали дарахтлар йил бўйи меҳр билан парвариш қилинди. Агротехник тадбирлар вақтида сифатли ўтказилди. А. Жўраев, А. Сатторов, Н. Турсунов бошлиқ бригадаларда ватанпарварлик ташаббуслари юзага келиб, кенг оммалашди.

Йиғим-терим давом этмоқда. М. Тиллаева, Х. Баротова, Ш. Файзуллаев каби ишчилар нормани ортиғи билан бажаришмоқда. Совхоз боғбонлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, халқимиз дастурхонига яна 50 тонна ширин-шакар неъмат тортиқ этишга аҳд қилдилар.



БУЗОҚБОҚАР

— Касбингизни севасизми?

— Албатта, — дейди Мўйдинжон Турсунов озиқланаётган бузоқларга мамнун нигоҳ ташларкан. — Тўғри, ота-онам чорвадор бўлишмаган. Лекин эсимни танибманки, хонадонимиздан мол-ҳол узилмайди. Районимизда бу касбга меҳр қўйган, ҳалол меҳнати билан эл назарига тушган чорвадорлар кўп. Ёшлигимда шундай кишилардек бўлишни орзу қилардим, ниятим ушалаяпти.

Фарғона область Киров районидаги «Бешариқ» совхоз-техникумининг «Победа» бўлимига қарашли Рустамжон Нажмиддинов мудирлик қилаётган ферма илғор коллективлардан саналади. Мўйдинжон Турсунов шу ерда меҳнат қилади. У Совет Армияси сафида йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, меҳнат фаолиятини фермада бошлади. Тез орада моҳир чорвадор сифатида танилди. Боқимидаги 51 та бузоқни зооветеринария қоидалари асосида парваришлаб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Жониворларнинг суткалик семириши 650—700 граммни ташкил этаяпти. Шу тариқа у маҳсулдорликни ошириб, ССР Озиқ-овқат программаси ижросига ўз шахсий ҳиссасини қўшмоқда.

Ғ. ОБИДОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор чорвадор Мўйдинжон Турсунов. 2. Дуркун бузоқлар.
З. ҲАЙДАРОВ фотолари.

Қишлоғимиз кишилари

ЭЪЗОЗ

Яқинда Наманган районидаги сўлим масканлардан бири — Хўжақишлоққа йўлим тушиб қолди. Шу ердаги шон-шуҳрат музейига кирдим. Мени етмиш ёшлар чамасидаги истараси иссиқ нуроний бир онахон қарши олди. Шаҳзода аяни дарров танидим. Биз, ёшлар у киши билан мактабда бўладиган турли йиғинларда кўп учрашганмиз. Ўз ҳаётлари, тақдир йўллари ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилиб берганлар.

Шаҳзода Мирзахўжаева... Эл эъзозлаган бу аёл бир қарашдаёқ кишида илиқ таассурот қолдиради. Камтар, самимий. Донгдор пахтакор, меҳрибон она. Фарзандларини ҳам ўзидек меҳнатсевар, комил инсонлар қилиб тарбиялади. Кўксида ярақлаб турган Қаҳрамонлик нишони, Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь революцияси орденлари унинг кўп йиллик ҳалол меҳнатларига берилган муносиб баҳодир.

У қишлоқда биринчилардан бўлиб комсомол сафига кирди. Ўшанда ҳали техника-механизмлар кам, шу боис дала ишларида қўл кучига кўпроқ эҳтиёж сезилар эди. Ташаббускор комсомол қиз қалб амрига қулоқ тутди: ҳам ўқиди, ҳам меҳнат қилди. Пахтакорлик касбига бўлган ўтли ҳавас ва иштиёқ унинг қалбида ўшанда уйғонган бўлса ажаб эмас. Ерга чигит қадади, ғўзани чопиқ қилди, пахта терди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда Ш. Мирзахўжаева звено бошлиғи эди. Манман деган азамат йигитлар фронтда, шароит ниҳоятда оғир. Деҳқончилик ишлари асосан хотин-қизлар, кексалар ва болалар зиммасида қолган. Ҳамманинг кўкси яра, ғалабага бўлган юксак ишончгина уларни тер тўкиб ишлашга, фронтга кун сайин кўп озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб бериш учун фидойилик кўрсатишга ундар эди. Айниқса, Шаҳзоданинг ташвишлари беҳисоб. Шу боис эртаю кеч тиним билмайди. У фронтдан — она-Ватан ҳимоясига отланган турмуш ўртоғи Опоқхўжа акадан хушхабар кутар эди. Афсус... булоқ сувидек мусаффо орзу умидлари ерпарчин бўлди. Қора хат! Минг-минглаб келинчаклар, навниҳол жувонлар бошига кулфат тоши бўлиб ёғилган машъум қора хат. Шаҳзода бахтли, осуда кунларининг ёдгорлиги — эндигина тетапоя қила бошлаган чақалоғи Марғубани бағрига босиб юм-юм йиғлади, ёнди, ўртанди. Бу айриликқа чидаёлмай анча ётиб қолди. Лекин илож қанча? Уруш...

1952 йил. Ш. Мирзахўжаева колхоз комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи қилиб тайинланди. Энди унинг зиммасидаги масъулият икки ҳисса ошган эди. Бунинг устига бригада ерлари тошлоқ, унумсиз бўлиб, арзимас ҳосил олиб келинарди. Ёш бригадир ғайрат камарини маҳкам боғлаб, ишга киришди. Хонадонларда тўпланиб қолган маҳаллий ўғит далаларга ташиб чиқарилди, мавжуд 53 гектар майдон чуқур шудгорланди, қондириб суғорилди.

Интилганга толе ёр, дейдилар. Кураш ва интилиш ўз самарасини берди. Икки йил ичида пахта ҳосилдорлиги 45 центнерга кўтарилди. Бригада етакчиси Ш. Мирзахўжаева КПСС сафига қабул қилинди. Бу унга билдирилган юксак ишонч эди. 1956 йилда 47 центнердан, 1957 йилда 48,5 центнердан пахта ҳосили етиштирилди. Муваффақиятларнинг ўзи келмайди, албатта. Бунинг замирида қанча меҳнат ва машаққат ётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бир-бирини қувиб ўтган йиллар давомида Ш. Мирзахўжаеванинг тажриба ва маҳорати ошди, обрўсига обрў қўшилди.

— Ҳали-ҳали эсимда, — хотирлайди онахон. — 1958 йилнинг қаҳратон қишида республикамиз пахтакорларидан бир группаси Москвага таклиф этилди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Ҳукуматимиз раҳбарлари кўксимга қаҳрамонлик «Олтин юлдуз» нишонини тақиб қўйишди. Оддий ўзбек қизига шунча ҳурмат, шунча иззат... Ўша пайтдаги қувонч ва ҳаяжонимни тасаввур қилсангиз эди! Ишонасизми, кўзларимдан ёш чиқиб кетибди...

Онахоннинг ҳаётида бундай унутилмас воқеалар оз эмас. Зеро у ҳамиша халқ ичида юрди, одамларнинг дарди, ташвиши билан яшади. 1957—1958 йилларда СССР Олий Советининг, 1959—1960 йилларда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати бўлди. Қишлоқларни ободонлаштириш, хотин-қизларнинг меҳнат ва дам олиш шароитини яхшилаш юзасидан ибратли ишларни амалга оширди.

Инсон ўз меҳнати билан қадрли, улуғ. Буни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган пахтакор, қатор орден ва медаллар соҳибаси Ш. Мирзахўжаева тақдирида яққол кўриш мумкин. Қишлоқ аҳли 1978 йилда уни тантанали суратда пенсияга узатди. Аммо тиниб-тинчимас онахон уйда узоқ ўтиролмади, ўз ўрнини одамлар орасида деб билди. Ўн йилдирки, у Ленин номли колхоз шон-шуҳрат музейининг директори. Жамоат ишларида фаоллик кўрсатиб, ёш авлодни меҳнатсеварлик, ота-боболаримизнинг шонли анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш йўлида куч-ғайратини аямаяпти. Пахтакорларнинг яқин маслаҳатчиси, меҳрибон устози. Тез-тез улар ҳузурида бўлиб, ўз тажрибаси, қимматли маслаҳатлари билан ўртоқлашиб туради.

..Хўжақишлоққа бориб қолсангиз, бу табаррук онахон билан албатта учрашинг, унинг дилкаш суҳбатидан баҳраманд бўлинг. Шунда қалбингиз равшан тортиб, бир олам завқ олишингиз, ҳаёт мазмуни ва моҳиятини теранроқ ҳис этишингиз табиий.

Ш. ДЕҲҚОНОВ.

ОШКОРА ФИКРЛАШУВ

Худойбердиев номли совхоз чорвачилик фермасининг сиёсий билимлар мактабида ўтказилган навбатдаги машғулотга барча доимий тингловчиларгина эмас, шу билан бирга хўжаликнинг бошқа кўпгина меҳнаткашлари келишди. Совхозда кадрлар сиёсати мавзуи ҳаммани қизиқтирди. Партком секретари А. Масуров суҳбатни совхоз турмушидан олинган мисоллар асосида ўтказди. Кейинги йилларда бу ерда бош зоотехниклар тез-тез ўзгартирилди, аммо ферма иши яхшиланмади. Хўжалик раҳбарлари бу вазифага номзодларни тор доирада танлаб олганлигини партком секретари ҳаққоний эътироф этди. Ҳар гал хатога йўл қўйишди. Хўжаликда бундай аҳволни ўзгартириш учун бош зоотехникни ошкора сайладилар. Бир қанча номзоддан энг тажрибали мутахассис А. Шокиров танлаб олинди.

А. Масуров йиғилиш аҳлига ферманинг янги раҳбари одамларнинг ишончини қанчалик оқлаётганлиги, партком ва дирекция ишлаб чиқаришнинг бошқа командирларини танлашда қандай принципларга амал қилаётганликлари тўғрисида гапириб берди, саволларга жавоб қайтарди.

Ошкора фикрлашув, машғулотнинг мунозара тусида ўтказилиши тингловчиларнинг кадрлар сиёсати хусусидаги қийин муаммоларни тўлароқ тасаввур қилишларига, раҳбарлик лавозимини эгаллашни истаган кишиларга нисбатан қўйиладиган талабларни тушуниб олишларига ёрдам берди.

(ЎзТАГ).

Наманган области.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЮЗАСИДАН

ТАВСИЯЛАР

СССР Агросаноат давлат комитети ва В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ижара муносабатларини йўлга қўйиш юзасидан тавсиялар» ишлаб чиқдилар. Унинг тексти қуйида эълон қилинмоқда.

Ҳозирги босқичда агросаноат ишлаб чиқаришида пудратнинг турлича шакллари: коллектив, оилавий, якка тартибдаги пудрат кенг ривожланмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг асосий воситалари ижарага олинадиган пудрат . бирмунча мукаммал шакл ҳисобланади. Агросаноат ишлаб чиқаришида ижара шундай иқтисодий муносабатларга асосланадики, бунда ижарачи колхоз, совхоз, бошқа корхона ёки ташкилотдан ер, маҳсулот берадиган чорва моллари, техника ҳамда ишлаб чиқаришнинг бошқа воситаларини узоқ муддатли ижарага олади, мақсад маҳсулот етиштиришни анча кўпайтириш, сифатини яхшилаш, асосий воситалар ва ресурслардан самарали фойдаланишдан иборат. Ижарачи билан ижарага берувчи (колхоз, совхоз, бошқа корхона) ўртасидаги ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлар «СССРнинг Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида» ҳамда «СССРда кооперация тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек бошқа қонун актлари асосида белгилаб берилган.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа корхоналарда ижара шартларида бригадалар, фермалар, хўжаликларнинг ичида тузилган кооперативлар, звенолар, шунингдек алоҳида оилалар, колхозчилар ва совхоз ходимлари ишлашлари мумкин.

Маҳсулот етиштириш учун ижара шартномаларини колхозлар, совхозлар ва бошқа корхоналар билан граждан-лар ёки колхоз аъзолари, совхоз, корхона ишчилари ҳисобланмайдиган, кооперативларга бирлашган граждан-лар группаси туза оладилар.

КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРДА ХЎЖАЛИК ИЧИДАГИ КОЛЛЕКТИВЛАР, АЛОҲИДА ОИЛАЛАР, КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИ

Колхоз правлениеси, совхоз ёки бошқа корхона дирекциясининг ижарачи коллективлар ёки алоҳида ижарачилар билан бўладиган ўзаро муносабатлари шартнома (1-илова) асосида белгиланади.

Ижарага қишлоқ хўжалик ва бошқа турдаги ер майдонлари, ишлатиладиган ва маҳсулот берадиган чорва моллари, техника, ускуналар, бинолар, иншоотлар ҳамда ишлаб чиқариш ва ноишлабчиқариш мақсадларидаги зарур биноларни қуриш ҳуқуқига эгадирлар.

Бригадалар, звеноларнинг коллективларига, оилаларга ижарага олинган воситалардан фойдаланишда тўлиқ мустақиллик берилади.

Ижарачилар колхоз ёки совхозга ер, маҳсулот берадиган чорва моллари ва бошқа хил асосий ишлаб чиқариш воситалари учун шартномада белгилаб қўйилган ижара ҳақини тўлайдилар*.

Ижарачи шартномада кўзда тутилган ҳажм ва ассортиментда етиштирган маҳсулот ижарага берувчига ёки унинг номидан бевосита тайёрловчи корхона ва ташкилотларга шартномага мувофиқ тарзда давлат харид нархларида (нархларга табақалаштирилган қўшимчалар ҳисобга олинмаган ҳолда), хўжаликнинг ички ҳисобкитоб (шартнома) нархларида реализация қилинади.

Уруғлик, ем-хашак, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ҳамда шартнома мажбуриятларида кўзда тутилган маҳсулот етиштириш жараёнида фойдаланиладиган бошқа хил моддий ресурслар ва хизматларни ижарачилар хўжаликларда план учёт ёки шартнома нархларида сотиб оладилар.

Ижарачи (бригада, звено, кооператив, оила, алоҳида ходимлар) бевосита хўжалик бухгалтериясида ўз банк кредитлари ҳамда хўжаликнинг қарзга берган маблағлари ҳисобига сотиб олишлари мумкин.

Ижарачилар ўзлари ижара олган ер майдонида ижарага берувчининг розилиги билан ишлаб чиқариш ва ноишлабчиқариш мақсадларидаги зарур биноларни қуриш ҳуқуқига эгадирлар.

Бригадалар, звеноларнинг коллективларига, оилаларга ижарага олинган воситалардан фойдаланишда тўлиқ мустақиллик берилади.

Ижарачилар колхоз ёки совхозга ер, маҳсулот берадиган чорва моллари ва бошқа хил асосий ишлаб чиқариш воситалари учун шартномада белгилаб қўйилган ижара ҳақини тўлайдилар*.

Ижарачи шартномада кўзда тутилган ҳажм ва ассортиментда етиштирган маҳсулот ижарага берувчига ёки унинг номидан бевосита тайёрловчи корхона ва ташкилотларга шартномага мувофиқ тарзда давлат харид нархларида (нархларга табақалаштирилган қўшимчалар ҳисобга олинмаган ҳолда), хўжаликнинг ички ҳисобкитоб (шартнома) нархларида реализация қилинади.

Ижара муддатлари томонларнинг келишувига мувофиқ аниқ шарт-шароит ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Бунда ер майдонлари қоида тариқасида актга асосан (2-илова) узоқ муддатга (50 йилгача) берилади.

Ер ижарага тупроқнинг унумдорлигини яхшилаш ва табиатнинг (экологик вазиятнинг) муҳофаза қилинишини таъминлашда ижарачининг тўла моддий жавобгарлиги ҳамда манфаатдорлиги шарти билан берилиши лозим. Ер бериш ҳақидаги актда тупроқ унумдорлиги (гумус таркиби ва бошқалар) кўрсаткичлари қайд этилади. Агар ижарачининг айби билан тупроқ унумдорлиги пасайиб кетса ёки ижарага олинган табиий ресурсларга зиён етказилса, у тиклаш юзасидан бажариладиган ишлар қиймати тўласинча тўлашга мажбурдир.

Ижара ҳақи ҳажми ижарачининг ерни яхшилаш (суғориш, захини қочириш, маданий-техникавий ишлар ва бошқалар)га, шунингдек ижарага берувчи билан келишилган сметаларга кўра ишлаб чиқариш иншоотлари қуришга сарфлаган маблағи миқдорида камайиб боради.

Ижарачи маблағи ҳисобига қурилган ишлаб чиқариш объектлари учун ҳўжалик амортизация ажратмалари бермайди.

Ижарачилар ижарага олинган асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш билан бир қаторда умумий ёки шахсий мулкчилик ҳуқуқлари асосида қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший иморатлар, ускуналарни колхоз ва совхозлар учун белгиланган нархларда ўз маблағлари, шахсий счётига ёки банк муассасасида ҳисоб-китоб счётига эга бўлиши мумкин.

Ижара ҳақи ҳажми белгиланаётганда ҳар гектар ердан (ҳар бош молдан) келадиган ҳисоб-китоб фойдаси инобатга олинади.

Бунда ер учун ижара ҳақи унинг унумдорлиги (иқтисодий баҳоси, тупроқ бонитети), ҳайвонлар учун ижара ҳақи эса уларнинг насл хусусиятлари ва маҳсулдорлиги назарда тутилган, хўжаликнинг конкрет шароитидан келиб чиқилган ҳолда ҳисобланади. Техника, ускуналар, бино ва иншоотлар учун ижара ҳақи нормативдаги амортизация ажратмалари даражасида ундириб олинади.

Ижарачиларнинг кам унумли ердан, эски чорвачилик биноларидан фойдаланишдаги манфаатдорлигини ошириш учун ижарага берувчи уларни имтиёзли шартлар билан (ижара ҳақи олмаслик, ижара ҳақи ҳажмини камайтириш, унинг тўловини кейинги йилларга кўчириш ва ҳоказолар) вақтинчалик фойдаланишга топшириши мумкин. Зарар кўрувчи хўжаликларда ер ижарага дастлабки йилларда ижара ҳақи олмаслик шарти билан берилса ҳам бўлади.

Ижарачи колхозчилар ва совхознинг ходимлари қаторида социал таъминот ва социал страхованиенинг барча турларидан, пенсия, отпуска, меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун нафақа олиш ҳуқуқларидан фойдаланилади. Бунда ижарачи социал страхование учун сарф-харажатларни, отпуска пуллари ва страхование тўловларини амалдаги нормативлар асосида хўжаликка қайтаради.

Ижара ҳақи хўжалик ихтиёрига келиб тушади ва унинг даромади ҳисобланади.

Корхона билан ижарачининг ўзаро келишувига мувофиқ ижара ҳақи натура ҳолида ҳам тўланиши мумкин. Бундай ҳолатда уни белгилаш принциплари худди пул билан тўланадиган ижара ҳақини белгилашдагидек бўлади.

Шартномада келишилган муддатга ижарачига бериладиган техника, ишлаб чиқариш иморатлари, чорва моллари, зарур ускуналар қиймати баланс (қолдиқ) қиймати бўйича белгиланади.

Табиий офат ва бошқа хил кўнгилсиз ҳодисалар оқибатида кўриладиган зарар ижарачиларга хўжаликлар (ёки бевосита ижарачилар) томонидан СССР Госстрахидан олинадиган страхование миқдори ҳисобидан, шунингдек фавқулодда ҳолатлар рўй берганида хўжалик шартнома асосида ажратадиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Ижарачилар тиғиз пайтларда ижарачи коллектив аъзоси бўлмаган гражданларни меҳнат шартномаси асосида ишга жалб этишлари мумкин. Уларнинг меҳнатига ҳақ томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ тўланади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришда, уй-жой-коммунал хўжалигида, шунингдек колхоз ва совхозларнинг хизмат кўрсатувчи тармоқларида ижара муносабатлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун мўлжалланган ушбу «Тавсиялар»да кўзда тутилган принциплар асосида белгиланади, бироқ уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. Техника, бинолар ва иншоотлар учун ижара ҳақи асосий ишлаб чиқариш бўйича кўзда тутилгани сингари амортизация даражасида белгиланади.

Шартнома мажбуриятларига риоя этилмаган ҳолларда ижарачи ва ижарага берувчи шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга, қоида тариқасида бу иш қишлоқ хўжалик йили тугалланганидан сўнг амалга оширилади, камида икки ой аввал бошқа томон бу ҳақда олдиндан огоҳлантирилган бўлиши керак.

Ижарачи коллективлар олинган ва реализация қилинган маҳсулотни, ишлаб чиқаришга кетган сарф-харажатни ҳисоблаш учун даромадлар ва харажатлар учёти дафтарини тутадилар. Ҳисоб-китоб чогида чеклар ёки шартномада белгилаб қўйилган бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш мумкин.

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА ЕРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ БОШҚА КОРХОНАЛАРНИНГ КООПЕРАТИВЛАР ҲАМДА СОВХОЗЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИ ЁКИ КОЛХОЗЛАРНИНГ АЪЗОЛАРИ ҲИСОБЛАНМАЙДИГАН АЛОҲИДА ГРАЖДАНЛАР БИЛАН ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИ

Кооперативларнинг ҳамда совхозлар ходимлари ёки колхозларнинг аъзолари ҳисобланмайдиган алоҳида гражданларнинг хўжаликлар билан ўзаро муносабатлари шартнома (3-илова) асосида белгиланади.

Шартномаларни (қоида тариқасида конкурс асосида) балоғат ёшига етган ҳамда ижара шартларида ишлаш истагини билдирган граждан-лар (мустақил равишда ёки коллектив топшириғи билан) тузишлари мумкин.

Томонларнинг ўзаро муносабатлари «Тавсиялар»нинг биринчи бўлимида кўзда тутилган тартибда, қуйидаги хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ижарачилар (кооператив, группа ёки алоҳида граждан-лар):

— юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва банк бўлимида ўз счётлари бўлади;

— етиштирилган жами маҳсулотни ўз ихтиёрлари билан тасарруф этадилар;

— социал страхование ва социал таъминот бўйича ҳуқуқларини амалга ошириш учун социал страхованиенинг давлат фондига ўз даромадларидан ажратмаларни мустақил равишда қўшадилар ҳамда колхозлар учун белгиланган тартибда давлатга даромад солиғи тўлайдилар;

— маҳсулот етиштириш учун зарур моддий ресурслар ва хизматларни ССР Агросаноат давлат комитети системаси корхоналари ва ташкилотларидан (улгуржи нархларда) ёки ҳар қандай бошқа корхоналар ва ташкилотлардан шартлашилган нархларда сотиб оладилар;

— ўз фаолиятлари натижаларини белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилиб борадилар.

Томонларнинг мулкий муносабатлари иттифоқдош республика Гражданлик кодекси нормалари асосида изга солиб турилади.

«Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ижара муносабатларини йўлга қўйиш юзасидан тавсиялар» тексти иловалар билан биргаликда «Вестник агропрома»нинг 2 сентябрь 37-сонида эълон қилинади.

***). Колхозлар ва совхозлар томонидан пудратдаги коллективларга, оилалар ва алоҳида гражданларга берилган ер ҳамда бошқа турдаги ишлаб чиқариш воситаларни учун қайд этиб қўйиладиган ижара ҳақи белгиланмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда ижарачи ўз маҳсулотини колхоз ёки совхозга сотадиган шартнома баҳолари билан хўжалик уни амалда реализация қиладиган баҳолар ўртасидаги фарқ ижара ҳақи ҳисобланади.**



Оржоникидзе районидаги Ризамат Мусамуҳамедов номли совхоз-завод меҳнаткашлари эл дастурхонига 4.500 тонна мева, кўплаб узум ва бошқа маҳсулотлар тортиқ этишга қарор қилганлар. Шу кунларда пишиб етилган ҳосилни йиғиштириб олиш қизғин бормоқда. Ҳар куни истеъмолчиларга 5—6 тонна ширин-шакар ноз-неъмат жўнатилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. 5-бригадада олма териш пайти. 2. Илғор ишчи Тожибой Холматов. 3. Узумчилик бригадири Энвер Муратов (чапдан), тажрибали соҳибкор Мукаррам Мирвалиева, совхоз-завод директори Қаҳрамон Алимбеков ва ишчи Ибодат Зуҳурова суҳбатлашмоқдалар. 4. Ғарқ пишган узумлар.

Б. АЛИМОВ фотолари.

ЁШЛАР ҲАЁТИДАН

КАСБ ЎРГАНИБ ҚАЙТИШАДИ

Қашқадарё области мактабларини тамомлаган ёшлардан 400 нафар йигит-қиз комсомол ташкилотларининг йўлланмаси билан Ворошиловград области ҳунар-техника билим юртларига қабул қилинди. Улар қўриқ ерларни ўзлаштириш учун зарур бўлган касбларни — қурувчи, механизатор касбини ўрганадилар.

Сўнгги икки йил ичида Украина диёрида дашт ўлканинг 700 га яқин ёш вакилига маҳорат сирлари ўргатилди. Уларнинг кўпчилиги Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши объектларида — «Каршистрой» бирлашмасида ишлашмоқда.

ЛЕНИНГРАДГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Мирзачўл ўрта мактабларини тамомлаган ёшларнинг катта группаси Ленинградга жўнаб кетди. 150 нафар йигит-қиз шаҳардаги 50-энг яхши ҳунар-техника билим юртларидан бирида ўқийди.

Сирдарё области ёшларн 3 йилдан бери сурункасига Нева дарёси соҳилидаги ҳунар-техника билим юртига ўқишга жўнатилмоқда. Шаҳардаги ана шу 50-ҳунар-техника билим юрти юқори малакали токарлар, слесарлар, қурувчилар ва бошқа касбдаги мутахассислар тайёрлаб чиқаради.

Ёшлар ўқишни тамомлагандан кейин область ишчилар синфи сафини тўлдирадилар.

Хотин-қизларни авайлайлик

ЛОҚАЙДЛИК — ҚАБОҲАТНИНГ ОШНАСИ

Бир вақтлари ўзбек хотин-қизларини пахта терими мавсуми давомида 15—20 тоннадан пахта терди деб оламга довруғ қилган эдик. Бундай теримчилар атлас кўйлакда чакkаларига чаноқдан тошиб турган оппоқ пахтани тақиб олиб суратларга тушардилар, ёзувчилар, журналистлар жимжимадор мадҳиялар битишиб, уларга ишдан кейин қўшиқ айттирардилар ёки китоб ўқиттирар, кинофильмлар кўрсатардилар. Қаламкашларнинг бунақа «қўшиб ёзишлари»га биз эса лоқайдлик билан қарардик, ҳаттоки кўникиб ҳам кетгандик. Бир кунда 200—300 килограмм пахта терган аёлнинг тушдан кейин ҳоли не кечишини тасаввур ҳам қилмасдик. Ўзингиз ўйлаб кўринг: бир чаноқда 3,5—4 грамм пахта бўлса, 200 килограмм пахта териб олиш учун теримчи неча марта ерга энгашади, терган пахтасини қаноргa солиб, бошига ёки елкасига қўйиб кўтариб чиқишлари-чи? Тун парда ёйгач, уйига чопишлари, қозонтовоққа қарашлари-чи, сигир соғишлари-чи! Ишдан кейин китоб ўқишга, кинофильм кўришга вақт, мадор борми?

Ҳозир-чи? Қишлоқ хотин-қизлари меҳнатини енгиллаштириш ҳақида кўп қайғураяпмиз, мўл гапираяпмиз, ташвиш чекаяпмиз. Тилимизда, дилимизда бор. Амалда-чи? Баъзи колхоз ва совхозларда аҳвол ҳали ҳам ўша-ўша: эски ҳаммом, эски тос!

Шу йил ёзининг жазирамасида йўлимиз Ворошилов районига тушди. Пешқадам Куйбишев номли колхоз далаларидан ўтдик. Атроф тандирдек қизиган. Соат ўн иккилар чамаси эди. Катта йўлнинг чеккасидаги ғўза пайкалларида чопиқчилар кўп. Қарангки, ҳаммаси хотин-қизлар, ёшлар. «Наҳотки бу колхозда далада ишловчи бирор нафар эркак бўлмаса», деб ўйлайсиз. Эркаклар бор, улар Бахт, Верхневолинск йўлида енгил машина, мотоцикларда кўча чангитиб юришибди. Катта йўл ёқасида, шу колхоз территориясида жойлашган ресторанда музлаб ичимлик ичишаяпти.

Оилавий пудратдан ўз ҳалоати йўлида фойдаланадиганлар ҳам топилиб қолди. Хонадонларга гектарларни бўлиб бердик. Шаҳардан ёрдамчи олмаяпмиз, мактаб ўқувчиларини дала ишига жалб қилмаяпмиз, деб кўкрак уриб ётибмиз. Аммо далада ҳамон ўша ёшлар, ўша ўқувчилар! Улар фақат мактаб номидан эмас, ота-онаси ишидан чиқиб ишлаяптилар. Бирон колхоз ёки совхозда оталар ўғилларн билан далада ишлаётганликларини деярли учратмайсиз. Райондаги ҳамма хўжаликларда шундай аҳволга дуч келасиз. «Тилсиз», «қулоқсиз», аммо юракни ларзага солувчи фактлар.

— Сизларда эркаклар йўқми? Далада фақат аёллар ишлашаяпти.

— Эркаклар трактор минишаяпти, сув тарашаяпти.

— Иссиқда аёллар қийналмайдими?

— Ўрганиб қолишган.

Йўқ! Улар ўрганган эмас! Биз уларни ишлатишга ўрганганмиз. Эркак зотини, бизга ўхшаш одамларни яратиб, авлод-аждодларимизни кўпайтирган аёлларнинг, онаизорларнинг тақдирига шу қадар лоқайдлик билан қарашимизни кимдан ўргандик, қайси ғўр-сўхтадан меросга олдик?! Бу номардлик десалар хафа бўламиз, виждонсизга йўйсалар айюҳаннос соламиз, исбот талаб этиб ҳайқирамиз. Ана шу бепарволик, лоқайдлик касофати билан жамият олдида жиноий иш қилаётганимизни наҳотки тушунib етмасак? Михаил Шолоховнинг қаҳрамони айтганидек «бу — факт». Бепарволик билан қабиҳлик ёнма-ён туриши ҳам факт.

Баъзида шундай воқеаларнинг ҳам гувоҳи бўлганмиз. Юқорироқдан келган «билимдон» текширувчи, ё вакил колхозчидан, совхоз ишчисидан сўрайди:

— Хўш, кейинги вақтларда қандай китобларни ўқидингиз?

— «Ўтган кунлар», «Кутлуғ қон».

— Ҳа, майли, бунисига ҳам розимиз. Хўш, кейинги вақтларда қандай фильмларни кўрдингиз?

— «Тоҳир ва Зуҳро», «Чапаев».

— Нима?!

Ҳа, ўша «нима»дан дакки, панду насиҳат бошланади.

Шу ўринда масаланинг бир томони устида бош қотирайлик-чи. Яқинда газетада ўқидик. Тожикистон ССР Ленинобод областидан бир киши «Ўтган кунлар» романини тўла ёд айтар экан. «Кутлуғ қон»ни ўқиган тошбағир одам бўлса ҳам йиғлайди.

Ҳа, бундан 50—60 йил олдин ёзилган асарларнинг довруғи авлоддан авлодга ўтиб турибди. Хўш, янги романлар йўқми, кинофильмлар камми? Бор. Меҳмон буни яхши билади. Ишончимиз комилки, янги асарлар ёки кинофильмлар тўғрисидаги саволни колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига берган тақдирда ҳам қониқарли жавоб олиш қийин.

— Китоб ўқишга қани вақт? «Время», «Ахборот»ларни кўришга вақт топаолмаймиз-у, — дейишади.

Бундан бир неча йил олдин шу мазмунда жавоб олардик. Ҳозир қайта қуриш, ошкоралик, демократия даври. Раҳбарлар ҳам газета-журналларга ўч бўлиб қолишди. «Арбат болалари», «Кунда»ни қаердан топса бўлади, деб юришибди.

Лекин далада ишловчи хотин-қизларнинг эса аҳволи ўша-ўша. Вақтлари йўқ: дала, рўзғор ишлари, бола ташвиши уларнинг оёқ-қўлларини боғлаган.

Мен яқинда Ворошилов районидаги «Победа» колхозининг Ғайбулло Назаров бошлиқ бригадаси дала шийпонида «Социализмнинг янги қиёфаси учун» мавзусига бағишланган ягона сиёсий кунда иштирок этдим.

Бригада — колхозда илғор. Ғайбулло Назаров — асл деҳқон, тажрибали пахтакор, истеъдодли раҳбар. У тўрт марта қолоқ бригадаларга ўтиб, уларни илғорлар сафига қўшиб, ном таратган. Ленин ордени нишондори, район партия комитетининг аъзоси. Колхоз эса қолоқ. Давлатдан 3 миллион сўмга яқин қарзи бор. Правление раиси кўп алмашди. Кейинги икки-уч йил ичида ёш раҳбарлар туфайли иш сал илгарилади.

Лекин колхознинг бугунги турмуши давр талабига мутлақо жавоб бермайди. Раҳбарлар хижолатда, колхозчилар маломатда.

— Қайта қуриш бизнинг колхозда мутлақо сезилмаяпти,— деди колхозчи Низомиддин Дадаев. — Биз, сувчилар эрталаб соат еттида келиб, кеч тўққизларда кетамиз, ойига 150 сўмдан ҳақ белгилаб қўйилган. Лекин тўрт ой бўлаяптики, колхоздан бир тийин олганимиз йўқ. Нима еяйлик? Ўғрилик қилсак, қамашади.

— Биз уч хўжалик бир ҳовлида яшаймиз, — деди қўшни бригада бошлиғи Бобокарим Немуродов, — икки келин туширидим. Колхоз раҳбарларига уй сўраб борсам бермайди. Тўғри, колхозда аҳвол ночор, янги уй қуришга кучлари етмайди. Участка беринг, ўзимиз қуриб оламиз десак, бунга ҳам ижозат йўқ. Нима қилиш керак?

Сирдарё областининг 2000 йилгача бўлган уй-жой қурилиши программасида 7 миллион 160 минг квадрат метр, шу жумладан аҳолининг шахсий маблағи билан 4 миллион 295 минг квадрат метр уй-жой қурилиши мўлжалланган. Агар уй қураман деган одамга участка берилмаса планни қандай қилиб амалга ошириш мумкин?

Ўша йиғилишда бригада ошпази Тамара Ривачева шундай фикрни ўртага ташлади:

— Бригадамиз дала шийпонида на шолча бор, на гилам, на бир тузукроқ стол. Электр токи йўқ. Радио эшитиш қаёқда дейсиз! Буларни тузатса бўлади. Мен далимдаги гапни айтмоқчиман. Сентябрь ойидан кўлда пахта теришни бошлаймиз. Терган пахтамизнинг бир килосига 5 тийин ҳақ беришади. Пахта ёғин-сочинга қолганда килограммни 15—20 тийинга чиқаришади. Кимга фойда-ю, кимга зиён? Теримнинг биринчи куниданоқ килосига 8—10 тийин ҳақ тўласалар бўлмайдими? Уз-ўзини бошқариш, пул билан таъминлаш даври бошланган экан, назаримда юқори ташкилотларда пахтанинг нархини белгилайдиган мутасадди кишилар бу ҳақда ўйлаб, амалий чоралар кўришлари керак.

Йиғилиш тугагач колхоз партия комитетининг секретари Тўхтамиш Жиянова бир киши шивирлади: қайсинглиси каналга чўкиб кетибди...

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас «Победа» колхози мотам либосига ўралгандай бўлди. Баъзилар қайғу-аламда шундай дейишарди:

— Ўн етти баҳорни кўрганди.

— Ота-онасини куйдириб кетди.

Менинг саволларимга шундай жавоб бўлди:

— Киз дугоналари билан каналда чўмилган.

— Кун иссиқ, ҳарорат қирқ градусга яқин! Далада ишлаган ҳар бир киши соя ва сув излайди.

— Унн мактабдан ишга олиб чиқишганмиди?

— Йўқ.

— Оилавий пудрат.

— Бечора!

Бечора эмиш. Эрта-индин етуклик аттестатини олиб, мустақил ҳаётга йўл оладиган ёшларнинг, уларнинг орзу-умидларини билмайдиган, биз, катталарни «бечора» десалар бўлади. Ўз ўқувчиси давлат имтиҳонларига қандай тайёргарлик кўраётганлиги билан қизиқмайдиган мактаб директори, илмий бўлим мудири, синф раҳбарларини бечора десалар бўлади. «Оилавий пудрат»ми, демак, ўша оила масъулият ва мажбуриятни ўз зиммасига олиб тегни талқон қиладиган ўғилларини пул топадиган жойларга жўнатиб ёки шунга даъват этиб юрган, қизларга «эрта-индин бу хонадонни барибир тарк этасан, сендан фойда бўлмайди» дейдиган ота-оналарни нега биз бечора, чорасиз одамлар демаймиз?!

Тўхтамиш Жиянов қайсинглисининг фожиавий ўлими менга туни билан уйқу бермади. Гарчанд, бунда заррача айбим бўлмаса ҳам мен ўзимни айбдор деб ҳисблардим. Далада кунниинг иссиғида менга ўхшаган эркаклар хотин-қизлар билан ёнма-ён ишламаётганликлари учун ўзимни гуноҳкор деб ҳисоблардим.

Бизнинг хотин-қизларга ҳаёв ва иффат қон-қонларига сингиб кетган. Агар биз, эркаклардан бирортаси далада ишлаётган, ғўзани бегона ўтдан тозалаётган хотин-қизлар ўртасида бўлганида эди, қизлар гарчанд ҳаво иссиқ, кун елкаларини қиздирганда ҳам каналга чўмилган бормас эдилар. Мен шу кунн, рост гап, чопиқчи ёки сувчи эмас, балки қаламкаш бўлганимга пушаймон қилдим. Тақдир экан, на илож?!

Турғун ЖАМОЛОВ.

ОНА ТИЛИДАГИ ДАРСЛИКЛАР

Тожикистондаги ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларда дарсликлар камчил бўлмайди. Маълумки, бу қардош республикада 293 минг нафар ўзбек ўқувчи ўз она тилида таълим олади. Сентябрнинг биринчи кунлариданоқ бу ўқувчилар ҳар бирининг партасида зарур адабиётлар бўлади. Ўзбекистондан китоблар жўнатилгани бунинг кафолатидир. Қардош Тожикистоннинг буюртмасига мувофиқ, махсус равишда 96 номда бир миллион 391 мингта китоб чиқарилди. Булар она тили ва адабиёт, табиатшунослик, химия, физика, математика, астрономия... китобларидир. Биздаги мактабларга эса тожик ўқувчилар учун қўшни республикадан 62 номдаги 477 мингта дарслик келтирилиши керак. Бу эса олдин келтирилганидан анча кўпдир. Бу тушунарли, чунки таълим тожик тилида олиб бориладиган мактаблар ва синфлар сони анча кўпайди. Самарқандинг ўзидагина саккизта янги мактаб очилмоқда, бу қадимий шаҳарда таълим тожик тилида олиб бориладиган мактабларнинг умумий сони йигирматага етади. Хуллас тожик мактабларидаги болаларнинг ҳам ортиқча ташвиши бўлмайди. Иккала республиканинг Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетлари дарсликлар вақтида етарли миқдорда тахт бўлиши тўғрисида жон куйдирдилар.

— Тўғри, ҳозирча тарих ва география дарсликлари билан таъминлашда муаммолар бор, — деди «Ўқитувчи» нашриётининг директори Олим Исмоилович Мирзаев. — Бу фанлар ўқувчи яшаётган жойдаги материаллар асосида ўрганилиши керак. Демак битта йўли бор— мазкур дарсликлар таржима қилиниши керак. Ҳозир шу масалани муҳокама қиляпмиз.

— Ўқитувчи кадрларни айирбошлаш ҳам кўзда тутилган, — деб таъкидлайди Тожикистон ССР Халқ таълими министрлигининг масъул ходими Р. Х. Ҳамидов.— Ҳозирги ўқув йилида Низомий номидаги Тошкент педагогика институтини ва Самарқанд университетини битирган кўплаб мутахассислар республикамизга келадилар. Улар ўзбек мактабларн ва синфларида физика, химия ва математикани ўз тилларида ўқитадилар. Таълим беришнинг, программаларнинг амалий масалаларини, иккала республика малака ошириш институтларида педагогларнинг малакасини ошириш тадбирлари системасини муҳокама қилиш учун йилига икки марта бир-биримизга делегациялар, ҳамдўстлигимизнинг бошқа йўналишлари бўйича ижодий коллективларни юбормоқчи бўлаяпмиз, туризм ва спорт соҳасида ўзаро алоқаларни ҳам кучайтирамиз.

«Ўзбеклар ва тожиклар бир дуторнинг икки торидир, — деган эди Мирзо Турсунзода. — Улар дўстлик ришталарини эъзозлайдилар».

Ўзбекистон — кўп миллатли республика. Бу ерда таълим СССРдаги кўп халқлар — ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қрим татар тилларида ва бошқа тилларда олиб борилади. Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети болалар ўз она тилларини билиши, ўз миллий маданиятини асраш ва сақлаш имкониятига эга бўлишлари учун бошқа республикаларга ана шу тиллардаги дарсликларга буюртма берди. Шу билан бирга ўзбек тилида ўқийдиган болаларга атаб ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонга 98 номда жами 2 миллион 311 мингта китоб жўнатилди. Келгуси йилдан бошлаб «Ўқитувчи» нашриётида қрим татар тилида ўқув адабиётлари чиқарадиган редакция очилади.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

ИНСОН. ҚОНУН. ЖАМИЯТ

КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗАРАР?

ёки тўрақўрғонлик чорвадор вазифасидан асоссиз четлаштирилганлиги ҳақида

Машъал дея куни кеча байроқ қилиб кўтарилган кишининг номи бирданига қора рўйхатга тушиб қолса, ташаббусларнинг бошида турган одамга турли юматлуб ёрлиқлар ёпиштирилса ким ажабланмайди? Бутуниттифоқ анжуманларида вакил бўлиб қатнашган, эришган кўрсаткичлари намуна қилиб таъкидланган мутахассснс раҳбарлик қилган коллектив зарар келтирувчи деб топилса бунга нима дейсиз? Кўзбўямачилик, қўшиб ёзишлар авж олган турғунлик даврида бу ғайриқонуний ҳолат эмас, деган важни келтиришингиз мумкин. Бироқ холис, ҳаққоний жавобни қарама-қарши фикр-мулоҳазалар, зиддиятли далил ва рақамларни адолат тарозисида ўлчаб ҳакамлик қилиш туфайлигина топиш мумкинлигига ҳеч ким шубҳаланмаса керак. Биз тавсиф этмоқчи бўлган воқеалар иштирокчиси Маҳмуд Бозоровнинг қиссасидан ҳисса чиқаришни ҳам ҳудди шу мулоҳазага кўра ҳурматли ўқувчиларга ҳавола қилишга қарор бердик.

«Район матлубот жамияти бўрдоқичилик базасининг директори М. Бозоров ўзини ишбилармон, меҳнатсевар ходим сифатида кўрсатди, — дейилади 1983 йилда унга берилган ишлаб чиқариш характеристикасида. — Раҳбар сифатида хўжаликни кенгайтириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан катта ташкилотчилик ишларини олиб борди. У тайинланган вақтда мослаштирилган бинода 100 бош қорамол ўрнига 47 бош сақланар, майда моллар ва парранда парвариш қилинмас эди. 1981 йилга келиб корхонада 1.635 бош йирик шохли ва 400 бош майда қорамоллар, 500 та парранда сақланадиган бўлди. Ҳозирга келиб район аҳолиси ва умумий овқатланиш тармоқларини гўшт билан тўла таъминлаш йўлга қўйилди, қўшни районларда ҳам гўшт дўконлари очилди.

1979 йилда чорвачиликни ривожлантиришда юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун бўрдоқичилик базаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. 1981 йилда коммунистик меҳнат коллективи номи берилди. Бутуниттифоқ матлубот кооперациялари бўрдоқичилик базалари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиққанлиги учун унга ВЦСПС ва Центросоюзнинг дипломи тақдим этилган...»

М. Бозоров 1979 йилдан коллективга раҳбарлик қилиб беш ярим йил давомида область, республика, Бутуниттифоқ социалистик мусобақаларида 21 марта ғолиб чиққан. Бўрдоқичилик базасида чорвадорларнинг область ва республика семинарлари ўтказилиб, орттирилган тажрибани кенг оммалаштиришга тавсия этишди. Директор Маҳмуд Бозоров 1980 йил баҳорида Марказий телевиденнеининг «Время» информацион программаси орқали коллективнинг меҳнат муваффақиятлари ҳақида сўзлаб берди.

Ҳикоя қилса арзигулик ташаббуслар, истиқбол режалари мавжуд эди. Янги раҳбар туяга миниб узоқни кўзловчиларнинг йўлини тутди. Аввало молларнинг зотини яхшилаш, туёғини кўпайтириш, ем-хашак базасини мустаҳкамлашга эътибор берди.

«Етмишинчи йилларнинг охирларига тўрақўрғонликларни чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолигича қолаверган эди, — деб ёзади Рафиқжон Ботиров. — Маҳмуд Бозоров мана шу коллективга раҳбар бўлиб келди-ю, ҳаммамизни бир-биримизга устоз, бир-биримизга шогирд қилиб қўйди, зиммамизга юкланган вазифани бажаришга енг шимариб яқдил киришдик. Ундан чорвадорлик, пахтакорлик, деҳқончилик илмидан жуда кўп сабоқ олдим. Маҳмуд ака ишнинг ўзини эмас, кўзини биладиганлар тоифасидан. Қирлик, тошлоқ зонадан 100 гектар ер ўзлаштириб бўрдоқичилик базаси учун ем-хашак етиштириш йўлга қўйилди. Унинг раҳбарлигида Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб аралаш озуқа экдик. Маккажўхори, оқ жавдар, нўхат, перко майдонларининг марзаларига ошқовоқ уруғи ҳам экардик. Ҳосилнинг бирини саранжомлаб улгурмай, иккинчисининг ташвиши бошланарди...»

1983 йилга келиб қирликдаги майдонлардан кўплаб дон ва кўкпоя йиғиштириб олинди. Тайёрланган ҳар бир килограмм силос таннархи аввалги 12,5 тийин ўрнига ярим тийинга тушди. Бўрдоқичилик базаси ўз эҳтиёжларидан орттириб қўшни хўжаликлар ва районларга 57,300 сўмлик ем-хашак сотди. Етти хазинанинг бири саналган паррандачилик гуркираб ривожланиб, бу ерда 37 минг товуқ ва жўжа сақланадиган бўлди. Корхонанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, 800 бошга мўлжалланган янги молхона қурилди. Қорамолларнинг кундалик семириши 750—800 граммга чиқди. Чорвадорлар эришган рекорд кўрсаткични газетхонлар кўзи ўнгида тўлақонли гавдалантириш учун бир мисол келтириш жоиз: 1983 йилга келиб, бўрдоқибоқарлар силос етиштиришни 1978 йилдагига қараганда 180 бараварга кўпайтирдилар... Хуллас, 1983 йилда 483,5 минг сўм фойда олиб, ҳаражатлардан ташқари кассага 114 минг сўм тушади.

Албатта, ҳақиқат қиёслаганда яққол билинади. Энг холис ва одил баҳони ҳамиша халқ беради. Тўрақўрғонликлар савдо расталарига сут, қаймоқ, тухум, гўшт маҳсулотлари тўкин-сочин чиқаришган кунларини миннатдорчилик билан эслашади. Йилига 820 тоннагача сўйилган гўшт берадиган бўрдоқичилик базаси районнинг йигирмадан зиёд бурчагида дўконлар очди. Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, оналар ва болалар учун хонадонларга қаймоқ, қази етказиб бериш йўлга қўйилди. Бир килограмм гўштнинг бозор нархи 6—7 сўмдан 5 сўмга туширилди. Бора-бора Тошкент шаҳрининг Октябрь райони, Поп, Норин районлари, Шаҳанд шаҳри умумий овқатланиш корхоналари билан ҳам шартномалар имзоланди.

Сўзсиз, буларнинг ҳаммасини бевосита Маҳмуд Бозоровнинг номи билан боғлаш, уни кўкка кўтариш нотўғри. Чорванинг маҳсулдорлигини оширган, паррандачиликни етти хазинанинг бирига айлантирган, офтоб тиғида ем-хашак етиштирганларнинг ҳаммаси оддий касб эгалари — ҳазрати чорвадорлар эдилар. Бироқ уларнинг дилига йўл топиш, умумий вазифани бажаришга йўллаш, ғайрат-ташаббусини жўрдириш учун ҳақиқий раҳбарлик истъдоди, бағри кенглик, деҳқончилик ҳамда чорвачилик илмидан бохабарлик, меҳнаткашни тушуна билиш даркор эдики, шу фазилатлари туфайли коллектив ўз раҳбарини тан олди, унга эргашди. 1984 йилда Маҳмуд Бозоровнинг ўрнига янги директор тайинлашаётганда кўпчилик норози бўлганлигининг сабаби ҳам ана шу.

— Бозоровнинг тадбиркорлиги туфайли корхонанинг иқтисоди мустаҳкамланди, ойлик маошимиз 300—400 сўмга етди, ҳовли-жойли, машиналик бўлдик. Яхши раҳбарга кўп нарса боғлиқ, — дейишди улар.

Албатта, вазифасидан озод этиш олдидан юқори партия ва совет органлари ҳам масалани бирмунча ўрганиб чиқишганди. Бироқ унинг асл моҳиятини баҳолай олмаслик нотўғри хулоса чиқаришга олиб келди. Бунинг тарихи эса, мухтасаргина қилиб айтганда, янгиликка ўчлик ва ташаббусга интилишдан келиб чиққан кичик бир ҳаракат билан боғлиқ. Бўрдоқичилик базасининг довруғи довон ошиб, экономикаси бақувватлашаётган кезларда баъзи бир ички ва ташқи хўжалик муносабатларини зудлик билан ҳал этиш, кейин эса дарҳол янгиларига чора излаш зарурати туғилиб қолди. 1983 йилнинг кузига келиб қорамоллар сони 1.200 тадан ортди, молхоналар эса имкониятга тўла жавоб бермай қолди. Мутахассислар бамаслаҳат молларнинг бир қисмини қўшниларга сотиш, эвазига янги қурилишларни кенгайтиришга қарор қилдилар. Бундан беш-олти йил илгари бундай мустақил фикрлаш ҳозиргига қараганда бошқачароқ баҳоланар, чорвадорнинг ҳам, пахтакорнинг ҳам ички хўжалик вазифалари гўёки юқоридагиларга кўпроқ маълумдек иш тутиларди. Фақат «катталар»нинг расмий рухсати билан тутилган йўл тўғри саналар, акс ҳолда ўзбошимчалик учун ҳар қандай даромадли ҳаракат эвазига жазо олиб қолиш ҳеч гап эмасди. Бугунга келиб меҳнат коллективларининг давлат ва план интизомини мустаҳкамлаш ниятида барча товар операцияларини ўтказиш учун берилган ҳуқуқи ҳали қонуний тусга кирмаганди. Шундай бир пайтда Қирғизистон ССРнинг Олабуқа райони ва қўшни Ленин номли совхозга 1.125 бош қорамол пул ўтказиш йўли билан сотилганлиги баъзиларга ёқинбошлаб юборди. Бироқ буларнинг ҳаммаси биз енгилгина қилиб таърифлаган омадга боғлиқ эмасди, кечаю кундузлик машаққатли меҳнат, изланишлар эвазига келганди. Омаднинг ҳам, истеъдоднинг ҳам, ҳатоки даҳоликнинг ҳам тагзаминида инсонни инсон қилиб вояга етказган ана шу машғулот турарди.

Маҳмуд Бозоровни ҳам ҳалол хизмати қайтадан юзага чиқарди. Катта режаларни мўлжаллаб турганда райкомга чақириб, яна матлубот жамияти бўрдоқичилик базасига директорликни таклиф этишди.

— Синашта коллектив, хўжаликнинг резерв ва имкониятлари сизга маълум, — дейишди унга. — 1984 йилдан буён раҳбарлик қилган уч директорнинг ҳаммаси сиз бошлаган ишларни йўққа чиқарди, ем-хашак бригадалари деярли тарқаб кетди, майдонлар қаровсиз қолди.

Бозоровнинг меҳнат дафтарчасини кўздан кечирамиз. Қарангки, 23 йиллик чорвачилик фаолияти давомида бирон марта ҳам «Аризасига мувофиқ вазифасидан бўшатилсин» деган жумлаларни учратмадик. Фақатгина партия, совет органларининг тавсиясига биноан у ёки бу лавозимга тайинланганлиги қайд этилган. Энди ҳам худди шундай бўлди. 1986 йилнинг 27 август куни «Район колхозлараро бўрдоқичилик базаси директорлигидан РайПО бўрдоқичилик базасига раҳбар қилиб ўтказилсин», деган буйруқ билан қадрдон коллективига йўл олди. Бироқ ишни бошлагунча минг битта кўринмас тўсиқ ва ғовларга дуч келди. Ҳар хил йўллар билан таржиман ҳолини писанда қилишар, қандай бўлмасин раҳбарликдан четлаштириш чораларини излашарди. Шундагина кимларгадир ёқинқирамай қолганлиги, уларнинг ўзлаштирилган, деган айб билан очилган жиноят ишида ҳозир ғалати манзара кўзга ташланади. Қўшни хўжаликларга сотилган молларнинг ҳужжатларини тегишли ташкилотлар миридан-сиригача ўрганиб чиқиб, қонунбузарлик ҳолатларини қайд этишмаган. Мол сотган кишиларнинг гувоҳликлари эса ниҳоятда турли-туман. Бугун 10 сўм ошириб гапиришса, эртаси куни тусмол билан 10 сўм камига янглишиб кетишади. Тергов органлари томонидан далилий ашё сифатида олиб кетилган база ҳисоб-китоби эса қандайдир сабабларга кўра «йўқолиб» қолган. Унда ҳар бир қорамолнинг неча сўмга харид қилинганлиги, келтирилган кундаги тирик вазнидан тортиб, сўйилган куни қанча тош босганлигигача — ҳаммаси комиссия томонидан қайд этилган эди. Аксарият гувоҳларнинг қандайдир тазйиқ остидами билдирган фикрларига кўра улар қорамолларини «абжир» тайёрловчиларга тирик вазнда бозор нархидагига қараганда бир неча баравар арзон—тахминан 1 сўм 20 — 1 сўм 30 тийиндан пуллаган бўлиб чиқмоқдалар. Хуллас, тергов ва суриштирув шунчалик боши берк кўчага кириб қолдики, терговчи А. Абдухалилов уни якунлашнинг муддатидан тамоман четга чиқиб кетди. Юқори назорат органларидан танбеҳ эшитишдан чўчиб, махсус ажрим билан саломатлиги отдек М. Бозоровни касалхонага ётқизиб қўйди. «Бемор» ўзининг уч ойдан зиёд тўшакда ётиб даволанганлигини кейинроқ эшитиб ҳангу манг бўлиб қолди. Бироқ терговни бир неча кунга чўзиш ҳеч қандай наф бермади. Барибир жиноят ишини ё ётқизиш, ё судга ошириш лозим эди.

Тўғриси, республикада ҳуқуқ-тартибот органларининг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги ҳамон давом этиб келаётганлиги сир эмас. Судларнинг мустақил эканлиги, қонунга бўйсунишлари тўғрисидаги ҳуқуқлари конституция билан тўла қонунлаштирилганига қарамай улар айрим ҳолларда барибир прокурор назоратидан чўчиб иш кўрадилар. Баъзан хом-хатала, тўла асосланмаган тергов материалларини ўз ихтиёрларига қабул қилиб оладилар. Процессуал ҳаракатларда йўл қўйилган нуқсонларни, муддатларга риоя қилмаслик ҳолларини тўғри айтишга ботинмайдилар.

Бозоров иши ҳам шу хилда судга бориб етди. Бироқ терговдаги ноаниқлик, процессуал қоидабузарлик туфайли бир неча марта орқага қайтди. Тўрақўрғон район халқ судидан область судининг жиноят судлов коллегиясига, бу ердан қайта терговга, терговдан сўнг Чуст, Косонсой, Учқўрғон ва Уйчи район халқ судларига ва ҳоказо суд-тергов органларига бориб келди. Бироқ уларнинг ҳеч бири айбланувчиларнинг гуноҳсиз ёки гуноҳкорлигини тўла ҳал қила билмади. Қамоққа олинган тайёрловчилар учун эса эҳтиёт чораси ўзгартирилмай қолиб кетаверди. Маҳмуджон Бозоровни вазифасидан четлаштириш ҳақида А. Абдухалилов томонидан чиқарилиб прокурор Р. Умаров тасдиқлаган қарор ҳам кучини йўқотмади. У мана қарийб бир йилдан зиёд мажбурий равишда бекорчилар сафига қўшилиб қолди. Сабаби, терговчи олиб қўйган паспорти ҳам базанинг айрим ҳужжатлари қатори «ғойиб» бўлган эди.

Орада бир муддат раҳбарсиз қолган, кейин эса, иборали қилиб айтганда, ўзининг ҳақиқий эгасини топмаган бўрдоқичилик базасида ишлар яна орқага кетди. Маҳмуд Бозоров иккинчи бор директор бўлиб тайинланганида олтмиш бош қорамолни саккиз ой ичида яна 500 тага кўпайтиришга, кунлик семиртиришни 160 граммдан 500 ғраммга етказишга эришган эди. Аввалги йилдаги 1.600 ўрнига бир ўримда 5.800 тонна хашак йиғилди. Корхона 1986 йилда 880 сўм фойда олган бўлса, 1987 йилнинг М. Бозоров қайта раҳбарлик қилган олти ойида 68 минг сўм даромад олди. Ҳозир базада 30 бош мол сақланаяпти. Тўрақўрғонликлар гўшт, сут маҳсулотларини қидириб қўшни районларга равона бўлишади. Дастурхонлари маъмурлиги чол, кампир ва мўъжизакор олтин балиқча эртагидаги сингари бирданига ғойиб бўлгандек...

* * *

—Ҳамиша ҳам қўлинг баланд келиши учун полвонликнинг ўзи кифоя эмас экан, — дейди Маҳмуд Бозоров изтироб билан.— Ҳозир асосий машғулотим кундалик матбуотни вараклаш бўлиб қолди. Бироз тасалли топаман, яна ҳаёлга толаман. Бугун партия нима демоқда, ҳукумат нима демоқда: мамлакатга давлатнинг битта нонини иккита қиладиган кадрлар керакми, ёки аксинчами? Албатта, ҳозирги аҳволга тушишимга халқнинг ризқини туя қиладиганларга муросасизлигим ҳам боис бўлди. Бўрдоқичилик базасидан мол олиб чиқиб кетаётганда район агросаноат комитети раисининг ўринбосари Н. Иноятовни ушлаб, гувоҳлар иштирокида акт тузган эдим. Бу ҳақда республика радиосининг «Қармоқ» сатирик журналида чиқиш қилишган, ҳужжатлар прокуратурага ҳам маълум. Қолаверса райком секретарига ҳам кўпчиликнинг олдида «Ўғирликда катта жиноят, кичик жиноят деган мезон борми?» дея дангал айтганман. Негадир на прокурордан, на бошқалардан ҳеч қандай садо чиқмади. Тўғри сўзнинг тўкмоғи бор экан, аксинча менга тазйиқ кучайди. Давлатнинг бир тийинига хиёнат қилганим исботланса юзим қора бўлсин деб ҳамманинг олдида кўп марта астойдил шарт қўйганман...

— Бекорчиликдан ҳисоб-китоб қилиб кўрдим, — деди у суҳбат охирида. — Беш йилдан буён бўрдоқичилик базасининг молия фаолиятини текшириш, тафтишдан ўтказиш, тергов ва суд органларининг ходимларига кетган харажат бир неча ўн минг сўмга етибди, буни ким тўлайди? Жорий йилда Тўрақўрғонда гўштнинг кооператив нархини 4 сўмга тушириш, корхона бўйича сўйилган гўштни 1.200 тоннага етказиш юзасидан 1985 йилда белгиланган режалар чиппакка чиққанлиги бу ҳисобга кирмайди. Суд мажлисларининг эса ниҳояси кўринмаяпти.

Начора, биродари азиз, чидаш керак, полвон полвонлигича қолиши лозим.

Й. ИСМОИЛОВ,
А. БОБОБЕКОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Ҳар эҳтимолга қарши қўлланган модда... Ҳикоя қилинганлар юзасидан Уйчи район халқ судининг ўн саккиз бетлик ҳукми қўлимизга теккач Маҳмуд Бозоровга тегиш ли бир неча сатрдан иборат бандларга назар ташлаб бекхтиёр яна шу жумлаларни эзладик. Суд мажлисида Олабуқа район хўжаликларига сотилган қорамоллар масаласи ва хизмат вазифасига совуққонлик билан қараб гўштнинг нархини қимматлаштиришга сабаб бўлганлиги хусусидаги айблар тамомила тасдиқланмади. Бироқ тайёрловчиларга қўш моддий жавобгарлик вазифасини юклаганлиги, айрим ҳужжатларга имзо чекмаганлиги сингари тўла исботланмаган гувоҳликларга кўра Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 149- ва 151-моддаларига мувофиқ бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига жалб этиш жазоси белгиланди. Хуллас, қиссамизнинг одил судловни таъминлашга оид муаммолари юзасидан хулоса чиқариб мутахассис чорвадорининг тақдирини ҳал этишни тегишли ҳуқуқ-тартибот ҳамда партия ва совет органлари эътиборига ҳавола қиламиз.



Избоскан районидаги Тельман номли колхоз правлениесининг собиқ биноси қишлоқ амбулаторияси ихтиёрига берилганидан кейин меҳнат аҳлига тиббий хизмат кўрсатиш анча яхшиланди. Кабинетлар сони кўпайиб, диагностика ва даволаш анжомларини бемалол жойлаштириш имкони туғилди.

Ҳозир барча дала шийпонлари ва болалар муассасаларида санитария постлари ишлаб турибди.

СУРАТДА: терапевт—врач Азиза Охунжонова амбулаторияда беморни кўздан кечирмоқда, медицина ҳамшираси Лобархон Ҳамроқулова ҳужжатларни расмийлаштираяпти.

Р. АШУРОВ фотоси. (ЎзТАГ).

ҲАММА НАРСА ТАХТ

Жалолқудуқ районидаги 23-мактабнинг «мулки» кенгайди: Ильич номли совхоз маъмурий бинони мактабга топширди. Совхоз меҳнатчилари сентябргача ўқувчилар учун тўла қулайлик яратиш мақсадида ана шу маъмурий бинони ўз кучлари билан реконструкция ва ремонт қилмоқдалар. Уларнинг ёрдамида олтита қўшимча синфхона, 130 ўринли ошхона жиҳозланди.

«2-агропромстрой» трестининг механизациялашган кўчма колоннаси бинокорлари муддатидан олдин қуриб битказган 32-мактаб ҳам халқ маорифини ислоҳ қилишнинг барча талабларига жавоб беради. Уч қаватли бинода синфхоналар, ишлаб чиқариш устахоналари жойлашган. Спорт зали алоҳида блокда жойлаштирилган.

Ойим қишлоғида 632 ўқувчига мўлжалланган яна бир уч қаватли мактаб фойдаланишга топширилди. Район марказидаги 16-ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари ҳам биринчи сентябрда машғулотларни янги бинода бошлайдилар.

(ЎзТАГ).

Андижон области.

ШИЙПОНДА КОНЦЕРТ

Сирдарё район маданият бўлими ташкил этган агитбригада ҳозирги долзарб кунларда қишлоқ меҳнаткашларига намунали хизмат кўрсатмоқда. Коллектив яқинда Охунбобоев номли колхознинг Турсунбой Абулқосимов бошлиқ бригадаси дала шийпонида концерт берди. Хонандалар Ўринбой Оқилов, Ёдгор Солиев, Эркиной Иброҳимова, Бахтиёр Шодиев, Гулчеҳра Абдуғаниева ижро этган куй ва қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Шунингдек раққосалардан Шаҳноза Исоқжонова, Ўлмасой Содиқова талқинидаги ўзбек халқ рақслари, лекторлардан Т. Турсунов ва А. Хидировнинг муҳим мавзуларидаги суҳбатлари йиғилганларга маъқул келди.

Қ. ҲОЖИЕВ.

Спорт ахборот

ТУРТ ФИНАЛЧИ

СССР футбол федерацияси соврини учун олий лига коллективлари ўртасида мусобақа ўтказиш анъанага айланди. Куни кеча Харьковда маҳаллий «Металлист» командасининг Москва динамочилари билан баҳси саралаш учрашувларига якун ясади. Унда меҳмонларнинг кўли баланд келди. Улар томонидан майдон эгалари дарвозасига киритилган ягона тўп матч тақдирини ҳал этди.

Шу тариқа СССР футбол федерацияси соврини учун ярим финал баҳсларида ўйнайдиган тўрт команда маълум бўлди. Булар Москванинг «Спартак», «Динамо», Боқунинг «Нефтчи», Олмаотанинг «Қайрат» коллективларидир. Қуръа ташлаш йўли билан уларнинг рақиблари аниқланди. Масалан, ярим финалда спартакчилар «Нефтчи» билан, «Қайрат» эса динамочилар билан учрашади. Матч қайси командалар майдонида ўтказилиши ҳам қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

ЧЕКИНИШ

Биринчи лига коллективлари ўртасида бўлиб ўтган навбатдаги турда Тошкентнинг «Пахтакор» командаси муваффақиятсизликка учради. Қатор матчларни ғалаба билан якунлаб, аҳволини анча яхшилаб олган ҳамюртларимиз бу сафар Ярославлда маҳаллий «Шинник» командасига ютқазиб қўйишди. Ўйин тақдирини иккинчи бўлимда майдон эгалари киритган ягона тўп ҳал этди.

Лига карвонбошиси Душанбенинг «Помир» командаси ҳам бу турда ютқазди. Тожик футболчилари Симферополда маҳаллий «Таврия» коллективининг ҳужумига бардош бера олмадилар. Майдон эгалари меҳмонлар дарвозасини икки бор ишғол этишди.

ЦСКА футболчилари Риганинг «Даугава» клуби дарвозасига жавобсиз тўртта тўп йўллаб, ўз мавқеиларини анча яхшилаб олдилар. Энди улар ҳисобидаги очколар 36 тага етди. Бу «Помир» тўпларган очколардан олтита кам.

Бошқа учрашувлар натижаси: «Звезда» — «Ротор» — 0:2, «Геолог» — СКА (Ростов) — 1:4, «Кузбасс» — СКА (Карпати) — 0:0, «Динамо» (Ставрополь) — «Котайк» — 2:1, «Спартак» (Оржоникидзе) — «Кубань» — 0:1, «Заря» — «Металлург» — 0:1, «Ростсельмаш» — «Колос» — 2:0.

Пахтакорчилар навбатдаги учрашувни ҳам сафарда ўтказадилар. Улар эртага, 1 сентябрда Симферополда маҳаллий «Таврия» командаси билан куч синашишади.

МАВСУМ АРАФАСИДА

Шайбали хоккей бўйича «Советский спорт» газетаси соврини учун анъанавий мавсумолди мусобақалари ниҳоясига етди. Унинг иштирокчилари тўрт группага бўлиниб ўйнадилар. Учрашувлар Челябинск, Рига, Свердловск ва Киевда ўтказилди. Уларда мамлакатимиз командалари билан бирга чет эллардан келган кучли коллективлар ҳам қатнашдилар.

Челябинскда Москванинг «Спартак», Ригада маҳаллий «Динамо», Свердловскда Воскресенскнинг «Химик», Киевда эса Москванинг «Крилья Советов» командалари ўз группаларида биринчи ўринни эгаллаб, анъанавий мукофот соҳиби бўлдилар.

НАФОСАТ КЎРИГИ

Москвада бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати ниҳоясига етди. Шахсий биринчиликда минсклик Марина Бобач ва киевлик Александра Тимошенко ҳукмат шоҳсупасининг биринчи погонасига кўтарилиб, қўш ғолиб бўлдилар.

Шундан сўнг айрим турлар бўйича баҳслар бўлиб ўтди. Лобач яна муваффақиятли қатнашди. У учта олтин медаль соҳибаси бўлди. Тимошенко эса икки олтин медални қўлга киритди.

Тўп билан машқ қилишда ғолиб чиққан Марина Николаева олтин медаль билан тақдирланди.

Редактор ўринбосари
Н. ЕҚУБОВ.

Р — 14109. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А.2081. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12